Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 9 НОЯБРЬ, сешанба, № 84 (6.040). Сотувда эркин нархда

2000 йил 9 январь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

***

1999 йил 5 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва Маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни

Президент Ислом Каримовнинг Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, барчангизни қадимий ва муқаддас Хоразм заминида туриб, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган буюк аждодимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги билан мубораксбод этаман.

Ватанимизнинг кўпминг йиллик тарихи эл-юртимизни босқинчи, ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, миллатимизнинг эркинлиги ва ор-номусини асраш йўлидаги буюк воқеаларни, бу курашларда жасорат ва мардлик кўрсатган буюк шахсларнинг номларини асрлар давомида ўзининг ёркин хотирасида сақлаб келмоқда.

Жалолиддин Мангуберди — она юрт ҳимоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби, халқимизнинг Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Амир Темур сингари тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамонидир.

Жалолиддин Мангуберди — бор-йўғи ўттиз икки йиллик қисқа ҳаёти давомида элу юрт учун, халқ озодлиги учун сўнмас хизмат қилишга улгурган улуғ аждодимиздир.

Азиз дўстлар!

Жалолиддин Мангуберди нинг бекиёс жасоратини англаш учун, аввало, у яшаган тарихий давр, шу даврларнинг машаққатли ва бешафқат саҳифаларини ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик.

Шу пайтгача ҳеч қайси давлат, ҳеч қайси эл бас келолмаган, Хитой ва бепоён Сибирь ерларидан бошлаб бугунги Каспий ва Кора денгиз бўйларигача бўлган ўлкаларни забт этган, йўлида учраган шаҳар-қишлоқларни ёндирган, даҳшати ўзидан олдин етиб, не-не шоҳу шаҳаншоҳлар, амиру султонлар, саркардалар юрагига ваҳима солган Чингизхон лашкарининг Хоразм устига бало-қазодай ёпирилиб келаётганини кўз олдингизга келтиринг.

Бир томондан, бой-бадавлат, иккинчи томондан, пароканда бўлиб ётган юртимизнинг ўша пайтдаги аҳволини ҳам бир ўзингизга тасаввур қилиб кўринг.

Чингизхон шундай бир машъум куч эдики, дунёдаги манаман деган қанча зотлар унинг қаршисида тиз чўкиб, қуллуқ қилиб яшашга тайёр эди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ атрофидаги кўплаб беклар ҳам ёв кўлига таслим бўлишни афзал кўрганларида, Жалолиддин бу фикрга қарши чиқиб, ўзининг бекиёс жасорати ва қатъиятини намоён этди. Шу пайтгача мағлубиятга учрамаган мўғул лашкарига қарши ўн бир йил муттасил жанг қилди. Ва ғанимларга шундай қақшаткич зарбалар бердики, ҳатто Чингизхондай маккор ва бешафқат, дунёнинг ярмини забт этган фотиҳ ҳам унга тан беришга мажбур бўлди.

Айтинглар, азиз дўстлар, ана шундай қалтис вазиятда ўзи каби фидойи, ботир инсонларни жипслаштириб, Хоразм заминини топташга шай турган ёвуз душманга қарши чиқиш учун одамда қандай журъат, қандай юрак, қандай ирода, қанчалар бақувват иймон-эътиқод бўлиши керак?

Айтинглар, бунинг учун инсонда Ватанга муҳаббат, элу юртга садоқат, фидойилик, озодликка интилиш туйғуси нечоғли юксак бўлиши керак?

Қани, айтинглар, дўстларим, қадрдонларим, олдиндан ўзининг қурбон бўлишини билатуриб, лекин Ватан учун, унинг ор-номуси, унинг тарихи ва истиқболи учун зиммасига шундай оғир кисматни олган зотларни тарихда кўп учратиш мумкинми?

Аминман, бундай шижоатли ва мард ўғлонни дунёга келтирган, вояга етказган халқ ҳар қанча ҳурмат-эҳтиромга, ҳар қанча тасанноларга муносибдир.

Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли дўстлар!

Султон Жалолиддин Мангуберди ўз элининг бахту саодати учун ҳаёт-мамот жангларида жон фидо этди. Лекин дунёда ҳеч қандай ҳайрли иш беиз кетмайди, Миллат руҳи, одамзотнинг озодлик сари интилиши абадийдир.

Орадан бир аср ўтиб, соҳибқирон Амир Темур Жалолиддин Мангуберди бошлаган озодлик курашини янги шароит ва улкан миқёсларда давом эттирди. Она юртимизни босқинчилардан халос қилиб, марказлашган қудратли давлат барпо этди.

Муҳтарам жамоат!

Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йўлини таҳлил қиладиган, ўша тарихий воқеаларга бугунги кун кўзи билан қараб баҳо берадиган бўлсак, улар бизни мана шундай табиий ва ибратли сабоқ-хулосалар чиқаришга ундайди.

Биринчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, халқ тинчини бузишга уринадиган ёвуз кучлар ҳамиша бўлади.

Бу — ҳаёт. Бу— ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати. Уни ҳеч ким инкор этолмайди. Буни нафақат ўз тарихимиз ва ҳаётимизда, балки бошқа халқлар тарихи ва ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

Президент Ислом Каримовнинг «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

Ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келди.

«Алпомиш» достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, ойламиз қўрғонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Муҳтарам биродарлар!

«Алпомиш» достони — бутун ўзбек халқининг маънавий мулкидир. Лекин нима учун биз унинг туйини айнан Термиз шаҳрида, Сурхон воҳасида ўтказяпмиз?

Негаки, Сурхон воҳаси аввало «Алпомиш» достони туғилган қутлуғ маскан. Алпомиш мана шу бепоён яйловларда, баланд тоғ дараларида гумбурлатиб от чопган, шу юртнинг зилол кўлларидан сув ичган, шу мағрур элга муносиб паҳлавон бўлиб етишган.

Шунинг учун ҳам Барчиной душманларга қарата ғурур билан: «Менинг ёрим бил-санг Бойсун Султони», деб айтади.

Сурхон жаҳон цивилизациясининг қадимий бешиклари — милоддан аввалги Кушон ва Бактрия давлатларига замин бўлгани билан оламга машҳур. Воҳадаги Далварзинтепа, Холчаён, Тиллатепа, Зараутсой, Тешиктош, Фаёзтепа сингари кўҳна маконлар, у ерларда топилган археологик ашёлар кўпминг йиллик тарихимизнинг ноёб ёдгорликларидир.

Бу тупроқ азалдан илму ҳунар, ҳикмат ва санъат руҳи билан йўғрилган. Имом ат-Термизий, Авлиё Ҳаким ота каби улуғ зотларнинг ўлмас руҳи, ҳаётбахш ўгитлари баркамол авлодларни вояга етказди. Шубҳа йўкки, «Алпомиш»дек буюк обидалар, Алпомишдек мард паҳлавонлар айнан мана шундай муҳитда дунёга келади.

«Алпомиш» туйининг Термиз шаҳрида ўтаётганида мен яна бир рамзий маъно кўраман.

Қачонки ўлкамизга жануб тарафдан ёв ҳамла қилган бўлса, Термиз унинг қаршисида метиндек қўрғон бўлиб келган. Термиз бугун ҳам она юртимизнинг жанубий сарҳадларида мустаҳкам қалъа бўлиб турибди.

Мана шу чегара ҳудудларида кўксини қалқон қилиб табиатан оғир-вазмин, аммо Ватан бошига синов тушса, жон фидо этишга ҳам тайёр ориятли халқ яшайди.

Бу довюрак ва ўктам халқнинг — Сурхон аҳлининг юрагида Алпомиш каби паҳлавонларидан мерос қолган шижоат яшайди.

Бу юртда дунёнинг кураш майдонларида кураги ерга тегмасдан зафар қозониб, ўзбек номини бутун оламга тараннум этаётган юзлаб полвонлар яшайди.

Ишончим комилки, бундай қудрат соҳиби бўлган халқни ҳеч қандай ёвуз куч енголмайди.

Ҳурматли меҳмонлар, азиз Ватандошлар!

Бугун биз сизлар билан «Алпомиш» достонининг 1000 йиллик тўйини нишонлаяпмиз. Лекин бу достонда тасвирланган воқеалар юртимизнинг неча-неча минг йиллик шонли тарихидан дарак беради.

Асардаги кичик бир далилга мурожаат қилайлик. Халқимизнинг қадимий тасаввурларига кўра, уқ-ёй — ҳокимият нишони ҳисобланган. Алпомиш етти ёшида ўн тўрт ботмон биричдан — бронзадан ясалган ёйдан уқ отиб, «Алп» деган унвонга эга бўлади. Алп дегани — ҳокимият эгаси эканини инобатга олсак, бу достон кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифодаси эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Аслида халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шоҳбайтидир. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб ўзлигини йўқотмаган халқимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги мубарак айёмда биз «Алпомиш»дек сўз дурдонасини яратган, уни асрлар оша авлодларга етказиб келган ижодкор халқимиз даҳоси олдида бош эгамиз.

Бугун биз минг йиллар давомида бу достонни қўйлаб, гавҳардай асраб-авайлаб, бойитиб келган, номлари бизга номаълум бўлган юзлаб халқ бахшиларининг истеъдоди қаршисида таъзим қиламиз.

(Давоми 2-бетда)

Президент Хитойга жўнаб кетди

8 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан мазкур мамлакатга жўнаб кетди. Сафар олдидан мамлакатимиз Президенти оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью бериб, жумладан, шундай деди:

— Хитой Халқ Республикаси жаҳондаги йирик давлатлардан бири ҳисобланади. Бу мамлакат нуфузи катталиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради, сайёрамиз аҳолисининг 21 фоизи ушбу мамлакатда яшайди. Хитой Халқаро Ҳамжамиятда ҳам катта нуфузга эга бўлиб, иқтисодиёти юқори суратлар билан ривожланиб бораётир. Бугун бутун дунё Хитойнинг XXI асрдаги истиқболига жуда катта хайриҳоҳлик ва ҳурмат билан қараяпти.

Бир пайтлар Хитой аҳолиси тез ўсаётгани боис кўпчиликда шубҳа туғилган эди. Яъни бу давлат халқини қандай боқади, озиқ-овқат билан қандай таъминлайди?.. Бугунги кунда мамлакат нафақат ўз аҳолисини озиқ-овқат билан тўла таъминлаяпти, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт ҳам қилаяпти. Бир сўз билан айтганда, Хитой, ҳақиқатан ҳам тез ривожланиб, тараққий этган давлатлар қаторидан жой эгаллаётган мамлакатлардан биридир.

Айни пайтда у халқаро майдонда катта обрўга эга. Бугун унинг овозига, айтадиган гапига бутун дунё катта ҳурмат ва эътибор билан қараяпти. Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо беш давлатдан биридир. Шу нуқтаи назардан қараганда, Хитой билан ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ўлкамизда, умуман, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик собит туришида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий алоқалар ҳақида гапирсак, давлатларимиз ўртасидаги бундай алоқалар мустаҳкам заминга эга. Лекин очиқ айтиш керак, бу алоқалар имкониятлар даражасида эмас. Ҳозир мамлакатимизда жами ўн бешта қўшма корхона мавжуд. Бу — оз. Шунинг учун бизнинг мақсадимиз, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни юқори даражага кўтариш. Шу нуқтаи назардан, ўзаро манфаатли ва тенг алоқаларни ўрнатишда катта имкониятлар бор ва ундан унумли фойдаланишимиз керак.

Бунинг учун аввало транспорт, яъни коммуникация масаласини тезроқ ечишимиз лозим. Бу муаммо айрим масалаларнинг тезроқ ҳал қилинишида асосий тўсиқ бўлиб турибди. Хитой орқали, Жанубий бандаргоҳлар, Япония яқинида жойлашган Шанхайга чиқиш бизнинг энг муҳим стратегик мақсадларимиздан бири. Мазкур ташрифимиз чоғида шу масалани ҳам алоҳида муҳокама қилиш кўзда тутилмоқда. Сабаби бундай ҳамкорликдан Хитой томони ҳам жуда манфаатдор.

ЎзА.

Жалолиддин Мангуберди - озодлик, мардлик ва қудрат тимсоли

Тарихда шундай шахслар бўладики, куч ва имконият етишмаслигига, маслакдош ва сафдошларнинг камлигига, бошқа тўсиқлару қийинчиликларга қарамай, зулм ва истибдодга қарши аёвсиз курашади. Юрт озодлиги йўлида жонидан кечадиган бундай инсонларни фидойи, жасур, мард деймиз. Буюк бобоколонимиз Жалолиддин Мангуберди ана шундай инсон сифатида кишилик тарихига кирган.

Ўзбек халқи ўзининг улуғ аждодларини унутмаган. Тарих силсиласида бошига қора кунлар тушган давларда ҳам халқ ўзининг олиму уламоларини, мард фарзандларини ёдда тутди, уларнинг хотирасини муқаддас санаб келди. Истиқлолнинг буюк неъматлиги шундаки, зулмат замонларида шарпага айланган хотира ҳозирга келиб қуёш сингари балқимоқда. Ўтган саккиз йил ичида қанчадан-қанча буюк зотларнинг тўйини нишонладик, уларнинг ҳурматини бажо келтириб, номларини яна бир бор дунёга ёйдик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори мана шу эзгу ишларнинг узвий давоми бўлди.

Мазкур қарорга мувофиқ, юртимизда юбилейга катта тайёргарлик ишлари

(Давоми 2-бетда)

Бунда тоҳе ҳар нарсадан мўл...

1. «БЎЛСАК ЭРДИК КОШКИ БИЗ ҲАМ БУХОРОДИН»

ФАХР

Бухороликлар азал-азалдан иш билгич халқ. Шу иш билгичлиги дунёвий маърифат билан уйғунлашган бу ҳўҳна диёр халқи Туркистон тарихида улкан шукуҳли ҳодиса — Ўзбекистон мустақиллиги кунини шодиёна кутиб олган эдилар. Шоир таъриф этганидек бу «тош тугён»ли шаҳарнинг қатлам-қатлам рутубатлари шу кун тўкилди. Узоқ йиллик мустабид тузум зилзамбил оғир тошдек четга суриб ташлангач, атроф чарақлаб кетгандек бўлди. Серқуёш юртимиз қуёши аввалгидан равшанроқ нур соча бошлади. Ўзбек халқининг азалий орзуси бўлган бу кунларга етишиш учун қанчадан-қанча маърифатпарвар, эрқпарвар авлодларимиз жон бериб жон олганликлари рост. Ниҳоят ҳозирги бахтиёр авлодга бу ҳурлик кунларини кўриш насиб этди. Насиб этганда ҳам ярашиқли тож-тахти, оқил тождори билан насиб этди.

Мустақиллик ҳақида гапириш мароқли, тинглашга нашъали кишига. Шунинг учун ҳам ўтган саккиз йил давқли тароватли ўтди. Ўз осмонинг остида ҳур, эркин яйраб яшашга ҳаёт суруридан қониб турмуш кечиришга нима етсин. Ана шу нодир туйғулар одамларимизда юртга эгалик ҳиссини уйғотди. Карахтлик, умидсизлик кайфияти ўрнини келажакка ишонч ҳисси қамраб олди. Шунинг учун ҳам турмуш тарзимиз фаровонлашиб бораётганлиги билан йилдан-йил фарқ қилади. Бугун эса бу фарқ аввалгиларига ўхшамаслиги билан дилларни қувонтирмоқда.

Шу қисқа давр Бухорода тўй йиллари бўлди. Бобо шаҳар ўзининг 2500 йиллик тўйини нишонлади. Регистон майдонида, Минораи Калон пойида ўтган бу мўйсафид шодлик таронаси етти иқлимга таралди. Ф. Ўҳжаевнинг 100 йиллиги. А. Фитрат таваллудининг 110 йиллиги ва шу сингари ўнлаб маракаларда бу шариф шаҳар бошига зар тангалар сочилди. Қоровулбозорда гигант корхона — нефтни қайта ишлаш заводи иш бошлади. Бухоро ўз ҳом-ашёлари билан жаҳон иқтисодиётига, дунё бозорига кириб борди. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди.

Ҳадиси Шарифда муборак бир ҳикмат бор:

Ҳокиминг халқпарвар, одил, адолатпеша бўлса, ворнинг бойлари қўли очиқ ва саховатпеша бўлса, эй, бандаи мўмин яшаб турган юртингни жаннатдан кам тутма.

Бу файласуфона ҳикматни таъкид этмоқдин мурод шуки, Бухоройи Шарифнинг келажаги учун катта жасорат курсатаётган раҳбарлардан, халқ ишига елкасини тутиб берганлардан беҳад хурсандмиз.

(Давоми 3-бетда)

Ғалабанинг ўзи келмайди

ШИЖОАТ

Навоий ҳокимлигида бизни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ўткам Ҳакимов илиқ қарши олди.

— Кейинги беш йил ичида вилоят пахта режасини бажармаганди, — деди — Ўткам Ҳакимов. — Шу туфайли пахтакорлар ҳам, пахта билан шуғулланувчи раҳбар мутахассислар ҳам ғалабага жуда муштоқ эдилар. Мана орзиқиб кутилган кун келди. Вилоят пахтакорлари 120 минг тонналик хирмонни бунёд этдилар. Гапнинг тўғриси, режани бажариш осон кечгани йўқ. Негаки, қатор йиллар Навоий вилоятида қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида, айникса пахтачиликда оқсаш сезилгани, режалар кетмакет барбод берилгани бунга сабаб бўлди. Шу боис, муҳтарам Президентимиз И. Каримов ўтган йили вилоятнинг навбатдан ташқари сессиясида пахтачиликдаги, умуман қишлоқ хўжалигидаги аҳволга ҳаққоний баҳо бериб, йўл қўйилган хато-камчиликларни танқид остига олган эдилар.

Дарҳақиқат, вилоятда қишлоқ хўжалигида муаммолар бир олам эди. Биринчидан, Маликчўл, Ўртачўл ва Кенгсой чўллари эътибордан четда қолганди. Қатор йиллар режада пахта етиштирилиши лозим бўлган ерларга уруғ тўлиқ экилмаган. Экилганлари ҳам сув танқислиги баҳона қилиниб, қаровсиз, парваришсиз қолган. Иккинчидан ҳайдов тракторлари етишмаслиги оқибатида шудгорлаш ишлари кузда эмас, баҳорда бажарилган. Учинчидан, вилоятда уруғчиликка етарлича эътибор берилмагани туфайли пахта етиштириш кечикиб кетган. Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасига тасодифий кадрлар кириб қолгани ҳам бу соҳани қолоқлик ботқоғига тортган.

Мавжуд муаммоларни қатъият билан енгдик. Энг аввало, кадрлар масаласини ижобий ҳал қилдик. Одамлар билан диллаша ва тиллаша оладиган, деҳқончилик ва ер илмини чуқур билган кишилар танланди.

Ер ўз эгасини топаяпти. 30 та жамоа хўжалиги ширкат хўжалигига айлантирилди. Йил охиригача яна 24 таси шундай мақомга эга бўлади. Сув насослари, лотоклар бузилиши натижасида фойдаланилмай ётган ерларни ишга туширдик. Дизель билан ишлайдиган насослар электр насосларга алмаштирилди.

Энг муҳими, уруғчиликка эътибор кучайтирилди. Истиқболли навлар яратиш борасида айтишга арзигулик ишлар қилинди. «Мехр», «Хазина», «Навбаҳор», «Ўқдарё-6» навларини туманлаштириш бўйича синов ишлари олиб борилди.

(Давоми 3-бетда)

Инсон шаъни ҳар нарсадан азиз

САЙЛОВЛАР ДАВОМИДА БУНИ ЭСДАН ЧИҚАРМАЙЛИК!

АРАФА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида қайд этилганидек, бугун юртимизда демократик, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдевори қўйилмоқда. Барқарор ривожланаётган бозор иқтисодиёти асослари шаклланиб бораётир. Республика Президентлигига ва Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўладиган навбатдаги сайловларга ҳозирлик ана шундай шароитда ўтмоқда. Сайловлар жамиятда демократик тамойилларни, қонун устиворлигини ва халқнинг сиёсий онги қай даражада етук эканлигини яна бир бор намойиш этажаги табиийдир.

Президентимиз И. Каримов Ўзбекистон Олий Мажлисининг XV сессиясида сўзлаган маърузасида «депутат бўлишни истаган одам аввало ҳалол-поклиги, маънавий етуклиги, теран билими, қобилияти, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш каби хусусиятлари билангина сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлиши мумкин» деган эди.

Депутатликка номзод халқимизга хос вазминлик, камтарлик каби инсоний фазилатларга эга бўлиши даркор. У сайловларга тайёргарлик жараёнида номақбул ишларга жумладан сохта ваъдабозликка, сайловчиларнинг мойиллигини уйғотиш мақсадида ғайриқонуний ишларга қўл урмаслиги, бошқача айтганда, қонун талабларини бузмаслиги керак.

Инсон шаъни муқаддас ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 100-моддасида инсон шаънига ҳақиқатга тўғри келмайдиган бўҳтонларни уюштириш, унинг обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш билан шуғулланадиган киши суд олдида жавоб беражаги кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 40-моддасида туҳмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилиш мақсадида уйдирма тарқатиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Оммавий ахборот воситалари орқали ёки кўпайтирилган

(Давоми 3-бетда)

Ранг кўр, ҳол сўр

ЁКИ ИККИ ТУМАННИНГ ИККИ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИККИ ХИЛ МАНЗАРА ҲАҚИДА

ТАҲЛИЛ

Аввал Уйчи томонга йўлим тушди. Зап гўзал шаҳарча бўпти. Бурунлари кўп жойлари «тегма-тўкиламан» дегандек ётарди.

«Ҳай майли, бу ҳам янги асрга тадорик-да» ўйладим ўзимча. Саккиз йил бўптики, бунёдкорлик. Ўзини билган ўзиб кетяпти.

Ҳуллас, туман ҳокимининг муовини Сирожиддин Аҳмедов билан биргалашиб А.Муминов номли ширкат хўжалигига бордик. Ана кўрингу, мана кўринг, нақд жаннат дейсиз. 10та дала шийпонининг 8 тасида шарқона услубда бир-биридан гўзал айвончалар қад ростлабди. Ҳар бригада қарамоғида 10-15 тадан товуқ, 2 тадан соғин сигир боқилар экан. Иккита бригадада замонавий теннис кортини ҳам кўрдик. Раиснинг айтишича, хўжалик ўтган йилни 98 миллион сўм даромад билан якунлаган экан. Бу йил 108 миллионга етказишмоқчи. Хўжалик ҳудудидаги маҳаллаларнинг деярли барчаси тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланган.

Биз тадбиркор фермер Абдувоҳид Маҳмудов ва оилавий пудратчи Роҳатхон Иброҳимоваларнинг иши билан ҳам танишиб, уларнинг суҳбатини олдик.

— 16 бош қорамол билан иш бошлаган эдим, ҳозир уларнинг бош сони 80тага етди. Ҳисоб рақамимизда йиққан маблағимиз ҳам анчагина. Гўшт етказиб бериш режасини доимо ўндалаб келяпмиз. Насиб бўлса, келгусида қиладиган ишларимиз ҳам бир талай — дея сўзини қисқа қилди фермер.

— Меҳнат қилган кишининг ризқи бутун бўлади, — деб гап бошлади Роҳатхон опа. — Ўтган йили оиламиз билан 7 гектарга пахта экиб, 125 минг сўм соф фойда кўрган эдик. Бу йил ҳам шунча майдонда пахта етиштирдик. Режани ортиғи билан бажардик.

Учқўрғонда туман ҳокимининг «кўрсатмаси» бўйича Қайқиободга йўл солдик. Зеро, ҳоким бундай деган эди:

— Бу хўжаликни ёзса бўлади. Ўмуман ишлари дуруст.

Хўжаликка етиб келганимизда вақт алламаҳал бўлиб қолган. Идорада бош

(Давоми 3-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

САЙЛОВ: ФАОЛЛИКНИНГ ТАБИИЙ ТАЛҚИНИ

ЖУМАНАЗАР НАЗАРГА ТУШДИ

МАКТАБ ИЧКАРИСИДАГИ ВА ... ТАШҚАРИСИДАГИ ҲАЁТ

Президент Ислом Каримовнинг Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

(Боши 1-бетда)

Иккинчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, ўзинг туғилиб ўсган, ота-боболаринг ҳоки ётган, эртага фарзандларинг камол топадиган тупроқнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур бўлса, бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриш керак.

Учинчи аччиқ хулоса шуки, ҳар қайси эл, ҳар қайси юрт четдан келадиган ёвуз офатдан кўра, ўз ичидан чиқадиган сотқин, иймонсиз, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, керак бўлса, энг яқин кишиларини ҳам сотадиган, ўзини ўстирган, вояга етказган Ватанига қўл кўтарадиган қабиҳ кимсалардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Бундай кучлар, разил шахсларнинг кибру ҳавоси, манфур мақсадлари эл-юрт тинчлиги ва тараққиётига қандай хавф-хатар эканини бугунги ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Такроран айтаман, бу нафақат кечаги тарихимиз, балки бугунги ҳаётимиз билан ҳамоҳанг аччиқ сабоқдир.

Яна бир сабоқ шуки, эл-юрт ва давлат учун, унинг тақдири ва келажаги учун қайғурадиган, одамларнинг эзгу ниятларини ўзига олий мақсад қилиб қўйган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқни бирлаштириб, турли бало-қазолардан асраш учун сафарбар эта оладиган шахсларгина тарихда ўчмас ном қолдиради. Бу - ҳақиқат.

Жалолиддин Мангуберди ана шундай мардларнинг ёркин тимсоли ва ибратли намояндасидир.

Султон Жалолиддиннинг бизга қолдирган **яна бир даъвати шуки,** у барчамизни она юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, ўсиб келаётган, эртага бизнинг ўрнимизни эгаллайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандларимизнинг келажагини, бахт-саодатини ҳимоялашга, ёруғ истиқболга интилиб яшашга чорлайди.

Қадрли ватандошлар!

Тарихи қарийб уч минг йилга борадиган, буюк фан ва маданият ўлкаси бўлган, жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ зотлар ватани, «Авесто»дек ўлмас асар яратилган табаррук тупроқ - Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машҳур.

Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва паҳлавонларни кўп кўрган. Улар орасида миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангубердининг бетакрор номи юлдуздек чараклаб туради.

Султон Жалолиддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру ғуруридир. **У бизнинг озодлигимизга, истиқлолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиғи ва тимсолидир.**

Бу баҳодир зотнинг муборак номи, унинг қаҳрамонлиги келажак авлодларга, биринчи галда сиз билан бизга, тарихий хотира олдида бошимизни мағрур тутиб яшамоғимиз учун тўла ҳуқуқ беради.

Азиз юртдошларим!

Азиз қадрдонларим!

Шу ҳаяжонли, унутилмас лаҳзаларда дунёга Мангуберди каби қаҳрамон ўғлонларни берган Хоразм элига, бутун халқимизга таъзим қиламан.

Биз бугун юртимизда Жалолиддин Мангуберди хотирасини ҳурматлаб, муаззам ёдгорлик мажмуини бунёд этдик. Кўриб турганингиздек, бу улуғвор ҳайкал тимсолида мард ва жасур саркарда, зўр ирода, беқиёс матонат соҳиби бўлган буюк инсоннинг сўнмас шижоати мужассам топган.

Бу гўзал ёдгорлик обидасини барпо этишдек хайрли ишга ҳисса қўшган муҳандис ва меъморларга, моҳир усталарга, қурувчи ва боғбонларга чин қалбимдан самимий ташаккурлар билдиришга рухсат бергайсизлар.

Бизнинг буюк аждодларимизга кўрсатаётган ҳурмат-эҳтиромимиздан, озод ва обод Ватан, фаровон жамият қуриш борасидаги эзгу ишларимиздан, жамики азиз боболаримиз қатори, Жалолиддин Мангубердининг ҳам руҳи поки шод бўлғай, иншоолло.

Ишончим комилки, уларнинг ўлмас руҳи билан чароғон хонадонларимизда бугун вояга етаётган минглаб жалолиддинлар юртимизга меҳру садоқат билан хизмат қилиб, унинг шону шуҳратини бутун дунёга тараннум этади.

Ишончим комилки, Мангубердининг бекиёс жасорати юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраб келаётган довюрак аскарларимиз, эл-юрт посбонлари, жасур ўғлонларимиз сиймосида давом этаверади.

Ишончим комилки, дунёга буюк фарзандларни берган, киндик қони томган заминни, аждодларининг муқаддас мозорларини жонидан ҳам ортиқ кўрадиган, ўз Ватанига бутун борлиғини бахш этишга ҳамиша тайёр турадиган, қадоқ қўллари билан тупроқдан олтин ундираётган бундай халқнинг обрў-эътибори ва ҳурмати ошаверади.

Муҳтарам юртдошлар!

Ватан ва халқ озодлиги йўлида жон фидо этган қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин!

Ана шундай баҳодирларни камолга етказган она халқимиз мангу яшасин!

Азиз дўстлар!

Бугун Хоразм заминида қўшалоқ байрам. Вилоят деҳқонлари, бутун Хоразм аҳли лафзи ҳалоллигини яна бир бор исботлаб, ўз зиммасига олган мажбуриятларини, Ватанимиз учун «оқ олтин» бўлмиш пахта тайёрлаш режаларини шараф билан бажарди. Мана шу улкан ғалаба билан сиз азизларни, сиз орқали бутун Хоразм аҳлини чин қалбимдан табриклашга рухсат бергайсизлар.

Жалолиддин Мангуберди - озодлик, мардлик ва қудрат тимсоли

(Боши 1-бетда)

амалга оширилди. Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Шовот каналининг икки қирғоғини туташтириб, бутун бир меъморий мажмуа қад ростлади. Унинг марказида қўлини қилич дастасига қўйган Жалолиддиннинг пурвиқор ҳайкали турибди. Шовотнинг нариги бетида эса Жайхун меҳмонхонаси, аквапарк, теннис корти...

Айни пайтда юбилей муносабати билан Жалолиддин Мангуберди номидаги жамғарма ташкил этилиб, унинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар чоп этилди, кўплаб илмий анжуманлар ўтказилди.

5 ноябр куни эса Хоразм заминида ўзбек халқининг довюрак ўғлони Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган катта тантаналар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ватан озодлиги учун жон фидо қилган буюк аждодимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллик тўйи билан йиғилганларни муборакбод этар экан, бу зот қисқа ҳаёти давомида элу юрт равнақи, халқ озодлиги учун бемисл хизмат қилишга улгурган улуғ аждодимиз эканини алоҳида таъкидлади.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип Қувақов, Франциянинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти профессори Жан-Луи Баке Граммон ва бошқалар халқимизнинг миллий қадриятларини, буюк аждодларимизнинг унутилаёзган номларини тиклаш ва жаҳонга ёйиш, ана шу боқий мерос асосида ёшларимизни Ватанга садоқат, фидойилик, мардлик ва жасурлик руҳида тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар. Нишонланаётган катта тўй ҳам бунинг ёркин мисолидир.

Маросимдан сўнг Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган театрлашган томоша намойиш этилди.

Буюк ватандошимизнинг ҳаёти ва қаҳрамонликлари бадиий воситаларда акс эттирилган томоша Жалолиддиннинг болалигини ифодаловчи халқ ўйинлари ва болалар қўшиқлари билан бошланди.

Жалолиддиннинг ёшлиги, шаҳзодалик даври куй ва рақсларда гавдалантирилди. Хоразмшоҳ, Нажмиддин Кубро, амир ва беклар ёш Жалолиддин билан юрт тақдири хусусида суҳбат қуради.

Томоша улуғ саркарданинг эл-юрт озодлиги йўлида душманга қарши курашлари, жангу жадаллари, мислсиз жасоратлари акс эттирилган қуринишлар билан давом этди.

* * *

Шу куни байрам тадбирлари доирасида қадим Хивада «Жалолиддин Мангуберди - Ватан, юрт ҳимоячиси» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда нафақат мамлакатимиздан, балки йигирмадан зиёд хорижий давлатдан келган олимлар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Жалолиддин Мангубердининг башарият тарихида тутган беқиёс ўрни, инсониятга озодлик йўлида курашнинг, юртни истибдод ва зулмдан қутқаришнинг ёркин намунасини кўрсатиб кетганини таъкидладилар.

Конференцияда Жалолиддин Мангуберди ва Хоразмшоҳлар давридаги ўзбек давлатчилиги тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, илм-фан ва тарихнавислик каби мавзуларди илмий маърузалар тингланди.

Анвар БОБОЕВ,
Темур ШАМАКОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «АЛПОМИШ» ДОСТОНИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда)

Агар иложи бўлса, мен ана шу инсонларнинг номларини маънавиятимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзган бўлур эдим.

Муҳтарам жамоат!

Бахши-шоирлар ўз халқининг бийрон тилидир. Улар юртимизда доимо «Бахшили эл — яхшили эл» деб улуғланган.

Бугун биз Ёдгор бахши ва Тилла кампир, Жоссоқ шоир ва Амин бахши, Щерна бахши ва Эрғаш Жуманбулбул, Фозил Йулдош ва Пўлкан шоир, Ислом шоир ва Абдулла Шоир, Саидмурод Паноҳ ва Бекмурод Жўрабой ўғли, Берди бахши ва Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир шоир ва Шоберди бахши каби достончиларнинг номларини эҳтиром билан тилга оламиз. Уларнинг ноёб қобилияти, юксак маҳорати туфайли «Алпомиш» бор салобати ва нафосати билан яшаб келмоқда.

Бугун биз бу ўлмас асарни ёзиб олиш, нашр этиш, илмий урганиш, таржима ва тарғиб қилиш ишига улкан ҳисса қўшган Ходи Зариф, Ҳамид Олимжон, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов каби заҳматкаш инсонларни, кўплаб хорижий олимларни ҳам миннатдорлик билан эслаймиз!

Ҳурматли юртдошларим!

Термиз — Самарқанд, Бухоро, Хива сингари халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини бутун дунёга намоён этган кўҳна шаҳримиздир.

Мен бугун сизларнинг ҳузурингизда шуни маълум қилишдан бахтиёрманки, биз ҳадемай Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаймиз. Шу маънода бугунги Алпомиш тўйи бўлажак катта тўйнинг дебочаси, десам, хато бўлмайди.

Бугун биз ўз афсонавий баҳодиримизга бўлган чексиз эҳтиром ифодаси сифатида бунёд этилган Алпомиш ёдгорлик мажмуини тантанали суратда очдик.

Кўз ўнгимизда енгилмас, жасур Алпомиш ўз уйи, ўз ери, ўз юртини ёвуз ниятли ғанимдан ҳимоя қилмоққа шай бўлиб, шижоат ва қатъият билан қад ростлаб турибди.

Унинг тимсолида Ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрашга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азамат ўғлонларимиз — бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфаси мужассам.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, мажмуани барпо қилишда юксак маҳорат ва санъатини намоён этган қўлигул усталарга, моҳир қурувчиларга, меъмор-муҳандисларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан ташаккурлар айтишга ижозат бергайсизлар.

Мен алоҳида мамнуният билан мана шундай савобли ишларимизда бизга ҳамиша хайрихоҳлик кўрсатиб келаётган ЮНЕСКО вакилларига, бугунги шодиёнамизга узоқ-яқиндан ташриф буюриб, қувончимизга шерик бўлган барча хорижий меҳмонларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Муҳтарам ватандошлар!

Йиллар, асрлар ўтади, она Узбекистонимизда янги-янги авлодлар вояга етади.

Ишонаман, ҳар бир авлод мана шу қаҳрамонлик достонини асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказади.

Ишонаман, халқимиз бугунги шодиёнадан руҳланиб, қадр-қимматини янада чуқурроқ англайди, ўзининг беқиёс жасоратини, букилмас иродасини, мустаҳкам иймон-эътиқодини намоён этиб, ёруғ келажак сари қатъият билан бораверади.

Ишонаман, ҳар қайси қишлоқ, ҳар қайси шаҳар, ҳар бир хонадонда янги-янги алпомишлар дунёга келади, Ватанга садоқатли, жасур ва енгилмас инсонлар бўлиб улғаяди.

Сурхон воҳасининг бетакрор табиати, Боботоғ, Бойсун, Ваҳшивор сингари баланд тоғлари, Олтинсой, Сангардак, Сайроб, Хонжизза каби гўзал гўшаларини бир бор кўрган одам беихтиёр бу юртга мафтун бўлиб қолади.

Бу заминда яшаб, фидокорона меҳнати билан унинг қуркига кўрк, чиройига чирой қўшаётган инсонларга, айниқса, ёш ўғил-қизларимизга менинг ҳавасим келади.

Ҳар қандай инсон бу юраги очиқ, мард ва танти, ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом одамлар билан чин кўнгилдан яқин бўлишни истайди.

Шу унутилмас, ҳаяжонли дамларда Алпомишдек баҳодирларни камолга етказган она халқимга яна бир бор таъзим қиламан.

Юртимиз осмони доим мусаффо, халқимиз ҳамиша омон бўлсин!

АЖДОДЛАРИМИЗ ДАҲОСИНИНГ БЕБАҲО ЁДГОРЛИГИ

Мустақиллигимизнинг саккизинчи олтин кузи ҳам халқимиз учун хайрли келди. Ҳаётнинг ҳар жабҳасида яратувчилик, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Деҳқонларимизнинг йил давомида қилган заҳматли меҳнати бугун улкан хирмон бўлиб кўкка бўй чўзаётир. Кўнгилларни фахр ва ғурурга тўлдирадиган яна бир жиҳат эса тобора салмоқли бўлиб бораётган моддий неъматлар баробарида маънавий қадриятларимизнинг янада эъзозланаётганидир. Куни кеча Урганчда миллий ғуруримиз ва ватанпарварлигимиз рамзи Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонганган эди. 6 ноябр куни эса миллий шодиёналар қадим ва навқирон Термиз шаҳрига кўчди. Шаҳар марказида бунёд этилган улкан боғда аждодларимиз даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги — «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги катта тантана билан нишонланди.

Бутун Сурхон воҳаси, айниқса, Термиз шаҳри мардлик ва жасорат, садоқат ва юртсеварлик тимсолига айланган Алпомишнинг тўйига муносиб тайёргарлик кўрди. Бир вақтлар харобгина ҳарбий шаҳарча бўлган Термиз жуда қисқа муддатларда кўрк ва чирой касб этди. Шаҳар марказидаги яқин-яқингача хароба бўлиб ётган майдонни бугун таниш қийин. Бу ерда «Алпомиш» боғи ва меъморий мажмуи қад ростлади. Бир вақтлар қамиш босиб, ботқоққа айланган қўлда бугун зилол сув чайқалиб турибди. Қирғоқларида тунлари чироқлар порлайди.

Термизнинг кенг ва равон кўчалари, йўл ёқаларидаги адл дарахтлар, келинчакдек ясанган биноолар, боғлар, юз-кўзида табассум балқиб турган меҳмонларимиз Алпомиш тўйининг сурурини дилларга кўчиради. Ким билан гаплашсангиз, юртимизнинг мустақиллик боис юксалаётган ғурури, тиклаланаётган шаён-шавкати, ўтмиш сабоқлари-ю келажак орзуларидан сўзлайди. Алпомиш улуғ юртнинг улуғ фарзанди эди. Унинг бугунги авлодлари ҳам шу шаъну шавкатга муносиб экани билинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун Термизга ташриф буюрди. Республика ва вилоят ҳокимиятлари вакиллари, хорижлик меҳмонлар давлатларимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб олдилар.

Алпомишнинг кўкка мағрур бўй чўзган ҳайкали пойига Ўзбекистон Президенти номидан анвойи гуллар қўйилди.

Бир қўлида ёй, бир қўлида ҳумо қуши тутган, бошига дубулға қўндирган Алпомишнинг баланд ҳайкали кечки қуёш шафағида товланиб кетади. Ҳайкалнинг икки ёнида қанот янглиғ ёйилган паннода эса Ойбарчинлар, Қалдирғочойимлар, қаҳрамон боболаримизнинг тасвири. Ҳайкал қаршисидаги зилол сув чайқалиб турган кўлни эса достонларда куйланган Ойнакўлга нисбат бериш мумкин. Кўлда сузиб юрган елканли қайиқлар эса маросимга ўзгача кўрк ва салобат бағишлаб турибди.

Юбилей тантаналарининг асосий қисми шаҳар марказидаги «Алпомиш» меъморий мажмуи ёнига қурилган саҳнага кўчди. Бир тарафида саккизта очиқ ва ёпиқ майдончаси бўлган теннис корти, иккинчи тарафида Термизнинг шарқона услубда қурилган бозорию улкан дарахтлар шовуллаб турган боғдан иборат «Алпомиш» мажмуи миллат қудрати ва шижоатининг тимсоли байрамига йиғилган мезбону меҳмонлар билан тўлди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллигига бағишланган тантаналарда аждодлар ёди, фахру ғурури хотирамизга Алпомиш тимсолида жо бўлганини таъкидлади. Достон халқларимизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ бериб, одил ва ҳақгўй бўлишга, юртимизни, дўсту ёримизни, ornомусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишга ўргатиб келаётганини қайд этди.

«Алпомиш» достонининг асрлар оша яшаб келаётгани боиси Сурхон элида унга муносиб авлодлар истиқомат қилаётгани билан ҳам боғлиқ, деди юртбошимиз. Давлатимиз раҳбари Сурхон воҳасининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни баланд эканини таъкидлаб, бу юртда ўтган азиз инсонлар хотирасига ҳурмат бажо этди.

Маросимда сўз олган кураш бўйича биринчи Жаҳон чемпиони Т.Муҳаммадиев, Бонн университетининг профессори, «Алпомиш» достонининг немис тилидаги нашри таржимони Карл Райҳл ва бошқалар бундай улкан тантана миллий маданиятимизга эҳтиром ифодаси бўлишдан ташқари, ёш авлодни аждодлар шижоатига муносиб тарбиялашда ҳам улкан аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Шундан сўнг кўл ёқасидаги амфитеатрда театрлашган байрам томошалари бошланди. Ўзбекистон бахшичилик мактабининг вакили Шоберди бахши Болтаев сибизга садолари остида «Алпомиш» достонини бошлади.

Томошабинлар кўз олдида Алпомишнинг туғилиши, болалигию ёшлиги, Ойбарчиннинг мусофирликда тортган азоблари, юрт соғинчи, Алпомишнинг юртга қайтиши гўзал саҳна образлари орқали намоён бўлди. Айниқса, Сурхондарё вилояти санъаткорларининг чиқишлари узоқ яқиндан келган меҳмонларда чуқур таассурот қолдирди. Томошабинлар фақат буюк миллат маънавиятидагина шундай турфа «гуллар» мавжуд бўлиши ҳақидаги боқий ҳақиқатга яна бир имон келтирдилар.

Алпомишни қутлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳридан келган бадиий жамоаларнинг чиқишлари Ўзбекистон санъатининг ўтмиши каби бугуни ва келажаги ҳам буюк эканини намойиш этди. Тантаналарни Термизнинг мусаффо осмонида порлаган мушак ёғдулари якунлади.

* * *

Шу куни Термиз шаҳрида «Алпомиш» достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Германия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон ҳамда Россия каби ўнлаб мамлакатлардан келган йирик фольклоршунос олимларнинг «Алпомиш» достонининг дунё маънавияти хазинасида тутган ўрни, қаҳрамонлик достонларининг миллий қадриятлар тикланишидаги аҳамияти мавзуларидаги маърузалари тингланди. Мазкур достоннинг қадимий асослари, бошқа туркий тиллардаги версиялари, достонни таржима қилиш тажрибаси, бошқа қаҳрамонлик эпослари билан қиёсланиши ҳамда яратилишига оид маърузалар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда Ўзбекистонда ўтмиш меросни асраб-авайлаш, маънавий хазинани синчиклаб ўрганиш ва ёшларни бундай бебаҳо дурдоналар руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани олиму мутахассислар томонидан алоҳида мамнуният билан таъкидланди. «Алпомиш» шодиёналари достонда куйланган эзгу ғояларнинг халқимиз дилида янада теранроқ томир отиши учун катта имкониятлар очди. Эл-юрт бирлиги, Ватан дахлсизлиги,оила хотиржамлигини улуғ бахт, деб билган боболаримиз яратган «Алпомиш» асрлар оша эзгулик йўлида хизмат қилавериши алоҳида қайд этилди.

Мусулмон НАМОЗ,
Чори ТУХТАЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ПУХТА ҲОЗИРЛАНСАНГИЗ, МАЛОМАТТА ҚОЛМАЙСИЗ

— Чорва қишлови бошланмасдан анча олдин мавжуд қўра ва қўтонлар сифатли таъмирдан чиқарилди. Ҳамма отарларда етарли миқдорда ем-хашак заҳираси тайёрланди. Қўй ва совлиқлар қишловдан олдин турли касалликларга қарши эмланди. Кролин эритмасига чўмилтирилди. Чўпонлар учун озиқ-овқат ва иссиқ кийим-бошлар тарқатилди. Уларга ўтин кўмирлар етказиб берилди. Шунингдек, чорвадорларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ҳам бирқанча ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Оҳангарон тумани ҳокимининг биринчи муовини Тўлқин Тўраев.

Дарҳақиқат, Оҳангарон туманининг барча яйловларидаги чўпонларга алоҳида гамхўрлик кўрсатилмоқда. Зеро, чорва молларининг қишлокдан беталофат ва семиз чиқиши кўп жиҳатдан чўпон-чўлиқлар учун яратилган шарт-шароитга боғлиқ. Масалан, «Оҳангарон» ширкат жамоасининг энг олис Жийдали, Қорабошсой, Тақали яйловларига жойлашган отарларида хўжаликнинг ўн олти минг бошга яқин қўй-эчкилари қишлайди. Улар учун ҳар бир отарнинг ёнига ўттизқирқ тоннадан хашак, ҳар бир қўйга юз-юз йигирма килодан ем ва бошқа озуқалар гамлаб қўйилган.

«Ангрен» ширкат жамоасининг чўпонлари бу йил 355 бош йирик шохли моллар, 7400 бошдан ортиқ қўй-эчкилар, 70 бошдан зиёд от ва қулунларни қишловдан беталофат олиб чиқиш учун астойдил бел боғлаганлар. Бунинг учун 1120 тонна дағал хашак, 615 тонна беда сенажи, минг тонна силос, 280 тонна озуқа лавлагиси жамғариб қўйилди. Айниқса, Аблаз Урозаримов бўюк ватандошимиз юбилейи тантаналарида иштирок этиш учун Урганчга ташриф буюрди. Тантаналарда ҳозир бўлган хорижлик меҳмонлар, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, республикамиз ва Хоразм вилояти жамоатчилиги вакиллари Ислом Каримовни олқишлар билан кутиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари ёдгорлик мажмуи марказида қад ростлаган Жалолиддин Мангубердининг маҳобатли ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйди.

Тантанали маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Ватан озодлиги учун жон фидо қилган буюк аждодимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллик тўйи билан йиғилганларни муборакбод этар экан, бу зот қисқа ҳаёти давомида элу юрт равнақи, халқ озодлиги учун бемисл хизмат қилишга улгурган улуғ аждодимиз эканини алоҳида таъкидлади.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип Қувақов, Франциянинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти профессори Жан-Луи Баке Граммон ва бошқалар халқимизнинг миллий қадриятларини, буюк аждодларимизнинг унутилаёзган номларини тиклаш ва жаҳонга ёйиш, ана шу боқий мерос асосида ёшларимизни Ватанга садоқат, фидойилик, мардлик ва жасурлик руҳида тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар. Нишонланаётган катта тўй ҳам бунинг ёркин мисолидир.

Маросимдан сўнг Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган театрлашган томоша намойиш этилди.

Буюк ватандошимизнинг ҳаёти ва қаҳрамонликлари бадиий воситаларда акс эттирилган томоша Жалолиддиннинг болалигини ифодаловчи халқ ўйинлари ва болалар қўшиқлари билан бошланди.

Жалолиддиннинг ёшлиги, шаҳзодалик даври куй ва рақсларда гавдалантирилди. Хоразмшоҳ, Нажмиддин Кубро, амир ва беклар ёш Жалолиддин билан юрт тақдири хусусида суҳбат қуради.

ҚИШЛОВ

жи паллага кирганда, яъни қорли-қировли кунларда ҳар бир қўйга 250-300 граммдан ем берилади.

— Менинг яйловим хўжаликнинг энг олис Кандирсой этакларига жойлашган, — дейди тажрибали чўпон **Мирабдулла Қанаев.** — Оила аъзоларимиз билан 50 тоннадан ортиқ табиий пичан тўпланганмиз, емни эса хўжалик келтириб берди. Чорва қишлови пайтида биронта ҳам қўй нобуд бўлмайди. Бунинг учун барча чораларни кўрганмиз. Қишловни биринчи марта ўтказаётганимиз йўқ. Биттагина истагимиз бор. Айни чиллайи гузарон пайтида кўчма савдоларга эҳтиёж сезамиз. Йиғилари бундай савдолар тез-тез бўлиб турарди. Нимагадир сўнгги пайтларда бу иш бироз сусайгандай. Агар туманимиз раҳбарлари бу ишга озгина туртки бериб юборсалар жуда яхши бўларди.

Худди шундай фикрни хўжаликнинг Аччисой яйловларида 340 бошдан зиёд қўй боқаётган тажрибали чўпон Анорбой Худойбердиев ҳам билдирди.

Чорва қишловини намунали тартибда ўтказиш бир қатор фермер хўжаликларида ҳам жадал олиб борилмоқда. Жумладан «Йўлдош ота» фермер хўжалигида 80 бош йирик шохли моллар қишловга нормал семизликда олиб кирилди. Шунингдек, 200 бош қўй учун ҳам етарли миқдорда ем-хашак гамлаб қўйилди. Хашакларни майдалайдиган агрегатлар ҳам тахт турибди. Ишчилар ем-хашакни исроф қилмаслик чораларини қуришмоқда.

«Янги ширкат» жамоасининг молхоналарида эса, 800 бошга яқин йирик шохли моллар парвариш қилинмоқда. Қишлов бошланмасдан аввал барча молхоналар сифатли таъмирдан чиқарилди.

Етарли миқдорда хашак, ем аралашмаси ҳозирланди.

Шундай бўлса-да, «қишлов-синов» деб бежиз айтишмаган. Бу даврнинг ўз машаққати, юки бор. Биз бу борада чорвадорларга куч-ғайрат тилаймиз.

Мўмин ҚАЮМ

«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 1999 йил 3 сентябрь сонида босилган «Телевизор қуролмаяпмиз» сарлавҳали мақола вилоят ҳокимлигининг тегишли мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам, мақолада ёзилганидек, «Нурота» наслчилик ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган телеаппаратуралар жуда ҳам эскириб кетганлиги учун шу ерлик аҳоли телекўрсатувларни сифатли кўра олмаганлар. Бу муаммо ечимини топиш мақсадида Навоий вилояти радио тўлқинларини узатиш маркази мутахассисларидан иборат махсус бригада «Нурота» наслчилик хўжалигида икки кун бўлиб, мавжуд телеаппаратураларни таъмирлаб келишди. Ҳозирги пайтда бу хўжалик аҳолиси Ўзбекистон телевидениеси 1 дастурини қониқарли томоша қилишмоқда.

«Нурота» наслчилик ширкат хўжалиги маъмурияти томонидан Россиянинг телеаппаратуралар ишлаб чиқарувчи заводига янги телеузатқичлар тайёрлаш учун буюртма берилди.

«ТЕЛЕВИЗОР КЎРОЛМАЯПМИЗ»

А. ҲАЙДАРОВ,
Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари

Қурраи заминда

● **ВАШИНГТОН.** АҚШ Президенти Билл Клинтон ноябрь ойи ўрталарида Европага қилажак ташриф вақтида Сурия Президенти Ҳофиз Асад билан ҳам учрашиши мумкин. Оқ уй маъмурияти вакили бу ҳақда журналистларга маълум қилиб, учрашув Дамашқда ёки Европада, хусусан Женевада ўтиши мумкинлигини айтди. Бироқ у бунинг учун Исроил билан Сурия ўртасида ўзаро келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этиш борасида музокаралар бошланиши лозимлигини қайд этди.

* * *

● **БЕРЛИН.** БМТнинг болалар жамғармаси Юнисеф томонидан тайёрланган маърузада баён қилинишича, Шарқий Европанинг кўплаб давлатларида болаларга қулай шарт-шароит яратиб бериш борасидаги ишлар сўнгги ўн йил ичида анча ёмонлашган.

Халқаро ташкилот мутахассислари Шарқий Европа мамлакатларидаги вазиятни ўрганиб, болаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ажратилаётган маблағ камайгани ва йўқолиб кетган айрим юқумли касалликлар яна пайдо бўлганини таъкидлади. Шунингдек, минтақанинг айрим давлатларида юз берган иқтисодий қийинчилик ва можаролар ҳам болалар турмуш тарзининг пасайишига сабаб бўлган.

* * *

● **ПЕКИН.** Хитой ҳукумати Интерпол раҳбариятига мурожаат қилиб, ташкилотни мамлакатда фаолияти таъқиқланган «Фалунгун» диний гуруҳи бошлиғи Лирхунчжини қўлга олиш борасида ҳамкорлик қилишга чақирди. Мазкур гуруҳ Хитойда тартибсизликлар чиқариш, фуқаролар тинчини бузиш билан шуғулланиб келган. Шу сабаб жорий йилнинг июль ойида «Фалунгун» фаолияти таъқиқланган эди.

* * *

● **ХАНОЙ.** Вьетнамда гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланган тўрт киши олий жазога ҳукм қилинди. Жиноятчиларнинг уч нафари камбожалик ва бири вьетнамликдир. Уларнинг барчаси бир неча йилдан буён Камбожадан Вьетнамга гиёҳванд модда олиб ўтиш ва уни сотиш билан шуғулланган жиноий гуруҳ аъзоларидир. Умуман мазкур жиноят юзасидан 13 киши айбдор саналган эди.

Маълумотларга қараганда, Вьетнам ҳукуқни муҳофаза қилиш органи томонидан сўнгги йилларда гиёҳвандлик савдосига қарши кескин чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлар сабаб ўтган йили 18 минг киши ҳибсга олинди.

* * *

● **СЕУЛ.** Жанубий Корея индустрия ва заҳиралар вазирлигининг маълумотига қараганда, шу йилнинг ўтган ўн ойида мамлакатга киритилган хорижий сармоя миқдори 10,249 миллиард АҚШ долларига етди. Бу мамлакат тарихида ўзига хос рекорддир.

Маълум бўлишича, йил охирига бориб, мамлакат иқтисодиётидаги яна 40та объектнинг ҳар бирига 100 миллион доллардан зиёд хорижий сармоя ётқизилиши режалаштирилган.

Жанубий Корея ишбилармонларининг мамлакатга хорижий сармоя киритиш борасидаги йиллик мўлжали 15 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

* * *

● **ЕКАТЕРИНБУРГ.** Россиянинг Екатеринбург шаҳри ички ишлар бошқармаси ва федерал хавфсизлик хизмати бўлими ходимлари ҳамкорликда ўтказган операция натижасида бу ерда яшовчи 32 ёшли Тожикистон фуқаросининг хонадонидан 120 килограммдан зиёд наркотик модда топилди. Наркотик модда савдоси билан шуғулланувчи шахс ҳибсга олинди, деб хабар тарқатди РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Бундан бир неча кун аввал Екатеринбургда Тожикистондан пиёз ортиб келган «КАМАЗ» русумли автомашина текширувдан ўтказилганида, 161 килограмм миқдордаги оғу мусодара қилинган эди. Унинг «Қора бозор»даги баҳоси 8 миллион АҚШ долларига тенг.

ЎзА.

ИНСОН ШАЪНИ ҲАР НАРСАДАН АЗИЗ

(Боши 1-бетда)

матнларда туҳмат қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддасига асосан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Ушбу ҳолларни депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, номзодларни ёқлаб таргибот-ташвиқот олиб борувчи сайловчилар яхши тушуниб олишлари зарур.

Муҳим сиёсий жараён бўлмиш сайловларда сайловчиларга ҳам катта масъулият юкланади. Улар, у кимлигидан қатъий назар ўз ҳоҳиш-иродаларига суяниб, мустақил ва онгли равишда овоз беришлари шарт. Шундагина ҳар бир сайловчи ўзининг конституцион бурчини бажарган бўлади.

Сайловолди ташвиқоти ҳам сайловларга тайёргарлик жараёнида муҳим тадбир саналади. У асосан депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан руйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Барча номзодлар сайловчилар билан учрашишда тенг ҳуқуқлидирлар. Бундай учрашувларда сўзсиз партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари эълон қилинади. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасида кўрсатилганидек, бу дастурлар республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги лозим. Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, турли хизматлар кўрсатиш, шу каби пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши таъқиқланади.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида «Узбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Уз ҳоҳиш-иродасининг билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Узбекистон Республикасида Президенти сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар», деб ёзиб қўйилган.

Гап сайлов тўғрисида кетаётганидан фойдаланиб шуни айтмоқчиманки, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларни тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади ва шу асосда ўтказилади. Унинг бузилишига сабабчи бўлганлар қонун олдида жавоб берадилар. Чунки ўтказилаётган сайловдан асосий мақсад — ҳуқуқий демократик, адолатли жамият қуриш, Узбекистонимизни энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига муносиб ҳисса қўшишдир.

Умумхалқ шодиёнаси — сайловлар куни тобора яқинлашмоқда. Республикамиз аҳли сайловлар куни халқимиз томонидан кўрсатилган, унинг юксак ишончига сазовор бўлган энг муносиб кишилар номзоди учун якдиллик билан овоз берадилар, бу билан улар мустақил Узбекистонимизга бўлган садоқатларини яна бир бор намойиш этадилар.

Жамолиддин НИЗОМОВ,
Наманган шаҳар прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси.

АДОЛАТ БОШ МЕЗОН

Яшириб нима қилдим. Ўша «қизил империя» давридаги сайловлар ҳар бир ўзини билган, ўзини ҳурмат қилган одам учун, сал қўполроқ бўлса-да айтай, инсонни таҳқирлаш, унинг ҳуқуқини поймол этиш билан баб-баравар эди. Боиси, бўлажак депутатлар руйхати олдиндан тузилар, биз сайлаймизми-йўқми барибир ўша кўрсатилган «арбоб» депутат бўлиши шарт эди.

Қизил алвонга битилиб, ҳар қадамга осиб қўйиладиган «Ҳамма сайловга!» деган чучмал шиорлар, «овоз бериш бюлеттенлари», «сайлов қутилари» деган даҳмазалар ҳам шунчаки элнинг кўзига қилинарди. Одамлар овоз беряптими - йўқми, бунинг аҳамияти йўқ эди. Ҳатто, баъзи сайловчилар кимга, нима учун овоз бераётганини ҳам билмасди. Бир оилада бешта сайловчи бўлса шуларнинг орасидан кимдир бориб, ҳамма учун бир йўла «овоз бериб» келиши одатий ҳолга айланган эди.

Оллоҳга шукр. Мустақиллигимиз туфайли юртимизда демократик тамойиллар қарор топди, адолат бош мезонга айланди. Айниқса, сунгги сессияда сайлов ҳақидаги қонунларга қўшимча ўзгартишлар киритилиши, сиёсий партиялар, ҳокимиятлар билан бир қаторда шаҳар-қишлоқларимизда, маҳаллаларимизда яшаётган оддий фуқаролар ҳам ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқига эга эканлиги ва ташаббускор гуруҳлар томонидан эл меҳрини қозонган инсонлар номзоди депутатликка кўрсатилганлиги, бу албатта, мустақил республикамизда ҳақиқат ва адолат устуворлигидан далолатдир.

Валижон ҲАЙДАРОВ,
Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги
Сайфиддин Ашуров номли ширкат хўжалиги
раиси.

БУНДА ТОЛЕ ҲАР НАРСАДАН МЎЛ...

(Боши 1-бетда)

Бугун республикамиз ва вилоятимизда олиб борилаётган ишлар, бунёдкорликлар кўламини тўла таъриф этмоқ учун қалам ожизлик қилади.

Буюк исёнкор шоиримиз Бобораҳим Машраф ҳазратлари бир пайтлари Тангрига таваллo қилиб: «Эй қодир Худо, мен бандаи мўминни яратишга яратар экансан, нечун мен ҳокисор каминани бухоролик қилиб яратмадинг?!» деган экан. Хориждаги не-не буюк алломаларнинг «Бўлсак эрдик кошки биз ҳам Бухородин» деган нидолари биз бухороликларда ўзгача фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Ўзбекистоннинг олтин гўшаси аталмиш Бухоройи Шарифда тўғилиб, бу шарифлар юртида камолга етмоқликнинг ўзи буюк бир саодатдир.

2. ЖАҲОННИНГ ШОДЛИГИ БОИСИ ДЕҲҚОН...

Бухороликлар бу йил она Ватан хазинасига 403 минг тонна пахта етиштириб беришга аҳд қилгандилар. Далада шу аҳдга яраша ҳосил тўпланганди. Бу йилги ҳосил-йиғим-теримига ўта орасталик ила киришилди. Пайкалларда 80-85 фоиз ҳосил чамандек очилиб етилгандан сўнгина теримга старт берилди. Қатор оилавий пудрат аъзолари теримнинг иккинчи куниёқ «биз бажардик» дея кўкрак кердилар. Сентябрь ойидаёқ Шофиркондаги пахта заводи дарвозаси олдида 1999 йил пахта ҳосили қабулига бағишланган тантанада шофирконлик танти деҳқон «Бухоро» жамоа хўжалиги ташқи бошқаруви раиси Азим Латипов Бухоро вилояти ҳокими, Узбекистон Олий Мажлиси депутати С. Ҳусеновга ўз хўжалиги пахта тайёрлаш йиллик шартномавий режасини бажарганлиги ҳақидаги ғалаба рапортини топширган кездаги севинчини кўрсангиз эди. «Яшанг, Азим ака», — дея раисни бағрига босиб қутлаган ҳоким илк зафар муждасидан беҳад шодланиб, барча хўжалик раҳбарлари олдида тасанно фақат голибга ярашишини айтганида юрагида ори борлар биринчи тўй куниёқ тўй ҳаваси билан қайтдилар.

Вилоятда дастлабки катта ғалабани Вобкент тумани заршунослари қўлга киритдилар. Туман меҳнаткашлари ҳар йили голибликка ўрганиб қолганди. Бултур ҳам кўпчиликка насиб этмаган голиблик нашъаси уларни беминнат сийлаган эди.

Вобкентлик пахта билимдонлари жорий йилда 1700 гектар майдонда деҳқончилик қилдилар. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 августдаги 403-сонли қарори мўл-кўл пахта ҳосилини тезу-соз йиғиб-териб олишда ҳаракат дастури бўлиб хизмат қилди. Ҳукуматимиз ғамхўрлигини ҳар дақиқада ҳис этиб турган туман пахтакор деҳқонлари омманий сафарбарликни таъминлаш, иш сифатини ва суръатини оширишда ташаббус кўрсатдилар. Мавсум давомида дала меҳнаткашлари, теримчи ва ҳашарчи, механизатор ва пахта қабул қилиб олувчиларга ҳар қачонгидан ҳам яхши қулай меҳнат шароитлари яратилди. «Сиздан угина, биздан бугина» деганидек, парвариши меъёрида булган Вобкент замини ўз саҳоватини аямади. 12 октябрдаёқ 37 минг 410 тоннадан зиёд «оқ олтин» хирмони ҳосирлаган вобкентликлар Бухоро вилоятида биринчи бўлиб шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 32 центнерни ташкил этди. 95 фоиз ҳосил биринчи навга сотилди. Пахта деҳқончилиги яна бир карра ғолибларнинг қўлини узун, бошини сарбаланд қилди. Уларнинг миришкорлигича элу-юрт тан берди. Наслинасаби туста пахтакор бўлган вобкентлик деҳқонлар бобокалонлари эъзозлаб кам бўлмаган далаларда пешона тери тўкиб, бу улуғ давомийликдан ҳосият кўрдилар. Тумандаги Ал-Бухорий жамоа хўжалиги йиллик пахта тайёрлаш режасини бажариши учун бор-йўғи 8 иш куни кифоя қилди. Ун беш кунликда теримчиларга 13 миллион сум пул даланинг бошида тарқатилди. Теримчилар шодлигини тасвирга туширишга таъриф-лаб бўлади холос. Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта-банк»нинг Бухоро вилоят бошқармаси бошлиги Маҳмуд Бақоевнинг айтишича бу ҳалол меҳнат пуллари вилоят миқёсида сентябрь ойининг 3-4 беш кунлигида 1 миллиард 848 миллион сум, октябрь ойининг биринчи беш кунлигида 503 миллион, иккинчи беш кунлигида 318 миллион, жами 2 миллиард 669 миллион сўмни ташкил этди. Шодланмай, кувонмай, яйрамай бўладими? Яйраган одам эса тўй қилади. У тўйларда «Бунда толе ҳар нарсадан мўл» сингари қўшиқлар беармон янграйди. Носир Ҳисраб айтганидек,

Жаҳоннинг шодлиги
боиси деҳқон,
Унинг бирла экинзор
боғу-бўстон.
Бу ишдан яхши оламда не
бордур,
Одам наслига бу иш
ёдгордир.

3. «ПОЛКОВНИК БОБО»

Рауф бобо Холовни «Зарафшон»ликлар бежиз «Полковник» бобо деб аташмаган. Унинг барча иши ҳарбийчасига, ваҳти ўлчовли. Қайси ширкатчи қачон қайси даладан пахта теради-ю, ўзига бириктилган ердан неча центнердан ҳосил олади, унга беш бармоқдек аниқ.

Ҳар бир ернинг дарди қаерда, қитиғи қаерда аввало сувчи, механизатор, кейин бригада етакчиси билади. Буни қирқ йиллик меҳнат фаолиятида механизаторлик қилган, кейинги 25 йил давомида бригадир бўлиб ишлаган даврларида яхши англаб етган.

— Бригадангизда ҳосилдорлик 50 центнердан ошибди. 60 центнерлик марра учун курашаётган экансизлар. Туманда биринчи бўлиб йиллик режани бажаришнинг ўзи бўлмас! Нима дедингиз? — сўраймиз бригадирдан.

— Уҳ-ҳў, нимасини айтасиз! Меҳнатни ҳамма ҳам қилади. Фақат уни қандай қилиш, қачон далага чиқишу, қайси вақт ишлаш лозимлигини ҳам билиш керак. Мустақиллик шунинг учун ҳам буюк неъматки, қачон меҳнат қилишни ўзимизга қўйиб берди. Аниқроги ер эгасини топди. Бошқарувга муносабат тўбдан ўзгарди. Бригадамиз аъзоларига 62 гектар пахта майдони бир гектардан тортиб 6-7 гектаргача ширкат қилиб берилган. Бу ерни улар худди ўз томорқасидек билишади. Қани бирор қарич ер очиқ қолсин. Мана бўлар эканку! — дейди саркор.

Этаги уфққа туташ пахтазорларга бир қўр деҳқон назари билан боққанмисиз? Қишин-ёзин унинг қўрпа-тўшаги бўлиб қолган дала нақадар дилга яқин бўлишини ҳеч бир ҳис этганингиз борми?

Буни шу кеча-кундузда 60 центнерлик марра ишқида жавлон ураётган Ал-Бухорий номли, «Зарафшон», Д. Бобоқулов номли, «Зарбдор», Охунбобоев номли... ширкат ва жамоа хўжаликларининг Р. Холов, Б. Пулатов, Ж. Жалилов, Х. Мирзаев каби бободеҳқонлар бошлиқ ўнлаб бригадаларнинг пахтакорлари бўлиб қалбдан ҳис этмоқ лозим. Бир жиҳатдан туман ҳокими Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутати М. Т. Эсонов ҳақ: меҳнатда барака бўлмаса, ташаббус кенг қулоч ёйиб у такрорланмаса ҳеч қачон қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар чуқурлашмайди. Вобкентликлар буни яхши биладилар. Шу жиҳатдан ҳам туман жамоа хўжаликларида вилоятда биринчилардан бўлиб ширкатларга кенг йўл очилди. Бу ўзининг қувончли самараларини бермоқда.

Бултур туман нафақат вилоятда, ҳатто Республикада ҳам биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш режасини ошириб уддалади. Режадагидан беш ярим минг тоннадан зиёд пахта етиштирилиб, она-Ватан хирмонига 43 минг тоннага яқин «оқ олтин» армуғон қилинди.

Бу йилги ният эса янада улуғ. Вобкентликлар 45 тоналик кўкўпар хирмонни кўзлашган!

Вилоятда биринчи бўлиб маррадан ўзган Ал-Бухорий номли жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам, катта карвон «Зарафшонлик» ширкатчилар ҳам суръатни асло сусайтираётганлари йўқ. Улар сафига Д. Бобоқулов номли, «Зарбдор», М. Жўрабоев номли, «Нурафшон», Охунбобоев номли, Қ. Муртазоев номли, Р. Ҳусенов номли ширкат ва жамоа хўжаликлари келиб қўшилишмоқда.

Қайси меҳнат жамоаси, қайси бир қумакчилар гуруҳи даврасида бўлманг, улардан туман пахтазорларида жуда мўл ҳосил етиштирилганлигини, уни йиғиб-териб олишда деҳқонларни яккалаб қўйиш инсофдан эмаслигини эшитасиз. Ҳозир ҳамма пахтакорда! Бу ҳосил ўз-ўзидан бунёд бўлгани йўқ. Уни нест-нобуд қилмоқ гунох, ахир!

Туманнинг ўқувчи-ю ўқитувчилари, 10, 21-ҳунар билим юртлари усталари-ю талабалари, шаҳарлик ҳашарчиларнинг, ишчи-хизматчилар боқишидан шу маънони уқади киши!

Бу хулосаларда теран маъно мужассам. Мавжуд пахтазорда бунёд бўлган ҳосил тезу-соз йиғиб териб олинсагина, деҳқоннинг кўнгли тинчийди. Шу талаб савдо, маиший хизмат, маданият, табобат соҳаси ходимларини ҳам далага отлантирган. улар кунтун пахтакорлар — қумакчилар хизматида...

Мушт бир ерга урилмаса, бир ёқадан бош чиқарилмаса мавсумнинг қизғин даврида 6-6,5 фоиз пахта тайёрланармиди.

— Кўнгилни тўқ қиладиган жойи шундаки, Вобкентда ҳалол меҳнат билан етиштирилган ҳосил бор. Шунинг ўзи 70 центнерчи ширкатчи ва пудратчиларни, 60 центнерчи бригадаларни, 45-50 центнерчи хўжаликларни тилини узун қилмоқда.

Ху, ана, қаранг, кенг асфальт йўл бўйлаб турнақатор пахта карвонлари оқиб келаяпти. Бирор пайт бундай қисқа фурсатда ҳосил йиғиштириб олинмаган эди, ахир! «Полковник» (Рауф Холов) айтганидек, «бу мустақиллик берган имконият мевасидир», — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ҳ. Азимов.

Салкин шабада эса бошлайди. Емгир томчилагандек бўлади. Куз кузлигини қилади-да. Дарҳол пахта ғарамлари усти ёпилади, «Тош ёғса ҳам пахтани терамиз» шиорининг эскирганига анча бўлган. Бизда муҳими толанинг сифати. Эртага эса бугунгидан шаштлироқ меҳнат унумдорлик посангисини бобо деҳқон манфаати томонга оғдириши шубҳасиз. Қайноқ куз меҳнати давом этади.

Ҳар фаслнинг ўз
хислати бор
Ҳар фаслнинг ўз
фазилати.
Кумуш қишдан, зумрад
баҳордан
Қолишмайди кузнинг
зийнати.

Аҳад ҲАСАН,
Тошпўлат ХУСЕН,
Дилмурод ЖАББОР.

СУРАТЛАРДА: 1. Олот туманидаги «Узбекистон» хўжалиги илғор олтин пудратчиси Нодира Бобоева. У 1,2 гектар ердан 5200 килограмм пахта топширди. 2. Бухоро туманидаги «Янги турмуш» хўжалигининг ижарачиси Ҳакима Саидова кунига 180—200 килодан оқ олтин териб, пешкадамликни қўлдан бермади. 3. Вобкентдаги «Зарбдор» хўжалиги илғор бригада бошлиғи Ҳаким Муқимов.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган суратлар.

ХИРМОНГА БАРАКА

Пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида
1999 йил 8 ноябрга бўлган
МАЪЛУМОТ

вилоятлар:	Топшириққа нисбатан фоиз ҳисобида	
	бир кунда	мавсум бошидан
Андижон	**0,09**	**106,55**
Самарқанд	**0,05**	**104,76**
Тошкент	**0,01**	**101,09**
Навоий	**0,14**	**100,63**
Хоразм	**0,02**	**100,27**
Бухоро	**0,04**	**100,22**
Жиззах	0,71	98,02
Қашқадарё	0,27	90,87
Сирдарё	0,40	84,85
Фарғона	0,19	84,76
Наманган	0,32	83,14
Сурхондарё	0,17	81,06
Қорақалпоғистон Республикаси	0,16	62,41
Ўзбекистон Республикаси бўйича	**0,20**	**91,31**
Тонна ҳисобида	**7831**	**3652221**

РАИС СЎЗИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ

Иштихон туманидаги «8 март» жамоа хўжалиги бундан икки йил илгари санацияга тушган эди. Жамоага янги раҳбар бўлиб келган Илҳом Қучқоров ҳукуматимиз берган имтиёзлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилди. Хўжаликни иқтисодий соғломлаштириш йўлида қилинган барча чора-тадбирлар ўз натижасини берди. Ўша йили, яъни 1998 йили барча соҳалардан мўл ҳосил олинди. Хуллас, санацияга тушган хўжалик иқтисодиёти юксалиш сари юз тутди.

Хўжалик раҳбари иқтисодиётни янада мустаҳкамлаш, олинган фойда миқдорини бунданда ошириш борасида бош қотирди. «Банкдан кредит олсак-чи» деган фикр бир неча бор унинг хаёлига келди. Охири у таваккал қилиб, «Пахта-банк» туман бўлимининг бошқарувчиси Акрам Суяровга учрашди. Олинадиган кредит ҳисобига кўшимча минерал ўғит, эҳтиёт қисмлар харид қилишни, ана шунда режадагидан зиёд миқдорда ҳосил олиш имконияти вужудга келишини, давлат буюртмасини эса туманда биринчи бўлиб уддалашини айтди. Раис бошқарувчига фикрини исботлаб бергач, молиявий муассаса раҳбари унинг гапига кўшилди. Барча хўжаликлар тайёрлангач, хўжаликка 4,8 миллион сум кредит ажратилди.

Қариб 400 гектар ғўза ўстирилган майдонларда мўл ҳосил етиштирилди, Октябрь ойининг еттинчи куни пахтакорлар туманда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдилар. Режа 14 иш кунда уддаланди. Ҳосилнинг 80 фоизи биринчи сортга сотилди.

БАНК ВА МИЖОЗ

Биз яқинда хўжаликда бўлдик. Режа аллақачон бўлсада тесуйаганини йиллик топшириқнинг 0,5 фоизига яқин миқдорида хом ашё йиғиштириб олинмоқда. Ҳар бир гектардан саранжомлаб олинган оқ олтин 38 центнердан ошди. Биз хўжалик раҳбари Илҳом Қучқоровдан муваффақият омиллари тўғрисида сурадик.

— Қўлга киритилган ютуғимизнинг асосий омилларидан бири ёзда банкдан олинган кредит бўлди, — дейди у. — Шу боис банк раҳбарларига катта раҳмат. Улар бизни ўз вақтида қўллаб-қувватлашди. Ҳозир кредитнинг тўланмаган қисми ярим миллион сўм қолди, холос. Қолган қисмини ўздик. Умуман, биз банк хизматидан мамнунмиз. Молиявий муассаса бизга ҳар бир ишда мададкор бўлмоқда. Жорий йилда ҳам барча соҳаларда режалар ортиги билан бажарилди. Пахтачиликнинг ўзидан 5 миллион сўм соф фойда олиш кўзда тутилмоқда.

Биз республика ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта-банк»нинг Иштихон тумани бўлими фаолиятидан бир мисол келтирдик. Аслида бу ерда бундай ижобий ишлар кўп. Хизмат кўрсатиш маданияти ошиб бораётганлиги, мижозлар учун барча қулайликлар яратилганлиги, ўз вақтида кредитлар ажратилаётганлиги боис туман ҳар йили барча соҳаларда юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда.

Айни пайтда туманда пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган. Ҳар куни йиллик режанинг 0,5 фоизига яқин миқдорда оқ олтин йиғиштириб олинмоқда. Жами тайёрланган ҳосил юз фоиздан ошиб кетди.

Банкнинг туман бўлими ҳам ушбу мавсумда фаол қатнашмоқда. Ҳукуматимизнинг қарорига кўра тўрим иштирокчиларининг барчасига ҳар 5 кунда иш ҳақи бериб борилаяпти. Пул далада тарқатилмоқда. Йиғиштириб олинган ҳар бир килограмм пахта учун 8 сўмдан тўланаётганлиги боис суръат бир дам ҳам сусаймаяпти.

Далаларда мўл ҳосил етиштирилишида банк бўлимининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Йил давомида хўжаликлар ўз вақтида аванс маблағлари билан таъминланди. Унинг маълум қисми одамларга маош сифатида берилди. Минерал ўғит, эҳтиёт қисм сотиб олиш учун 6,5 миллион сўмлик факторинг хизматлари кўрсатилди.

— Мақсадимиз қишлоқ хўжалигига замон талаблари даражасида хизмат кўрсатишдир, — дейди «Пахта-банк»нинг туман бўлим бошқарувчиси Акрам Суяров. — Ҳозир олдимизда турган асосий вазифа пахта терими мавсуми иштирокчиларини маблағ билан таъминлашдир. Биз буни ҳеч қандай муаммосиз уддалаб келаяпмиз. Ишимизда Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарори дастур вазифасини ўтамоқда. Беш кунлик тутқаси билан одамлар меҳнат ҳақини олишаяпти. Нақд пулни ўз вақтида топишда ҳам муаммо бўлмаяпти. Умуман фаолиятимиздан мижозлар мамнун.

Дарҳақиқат, банкнинг туман бўлимида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Молиявий муассасанинг обруси нафақат қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи мижозлар ўртасида, балки бошқа тармоқлар орасида ҳам ошиб боряпти. Шу боис мижозлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Ҳосил КАРИМОВ
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ҒАЛАБАНИНГ ЎЗИ КЕЛМАЙДИ

(Боши 1-бетда)

— Мана бу «Навбаҳор», — дейди хонасининг тўрига илиб қўйилган ғуж-ғуж очилган пахтани кўрсатди У. Ҳакимов. — Каранг, бирида 40 та, бирида 50 та кўрак бор. Бирдан очилиб, бирдан пишади. Келгусида шу навни кўпайтирмоқчимиз.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, чўл массивида қаровсиз қолган ерларда ҳам фермер хўжаликлар ташкил қилганимиз, ишга муносабатни ўзгартирганимиз, оилавий пудратга эътиборни қаратганимиз ютуқлар омили бўлди. Ҳозирги кунда вилоятда 1062 та фермер хўжалиги бўлиб, шундан 371 таси пахта етиштириш билан шуғулланади.

Бироқ ҳали ишларимиздан кўнглимиз тўлган эмас. Уруғчиликдаги ишларни тўласичча яхшилай олганимиз йўқ. Лекин барибир ўтган йилларда йўл қўйилган хатолар ва шу йўлдаги изланишларимиз биз учун мактаб вазифасини ўтади.

Навбаҳор, Қизилтепа, Навоий, Хатирчи туманлари пахтачиликка ихтисослашган. Бу туманларда мард, лабзи ҳалол, тангламайи пахта билан кўтарилган уста пахтакорлар кўп. Ана шулар ҳақида ҳам ёзинг. Яхши гап, илиқ сўз, мақтов деҳқоннинг кўнглини кўтаради.

ҚИЗИЛТЕПАЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Қизилтепа туманига йўл олдик. Вилоятда биринчи бўлиб йиллик режани бажарган қизилтепалик илғорлар билан дилдан суҳбатлашдик. Уларнинг фахр ва қувонч ҳисси билан тўлиб-тошган сўзларини ён дафтаримизга ёзиб олдик. Шабон Набиев — туман ҳокими:

— Туманимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлаштирилмоқда. Пахтачилик, ғаллачилик тўлиқ оилавий пудратга ўтган. Туман аҳлининг давлатимиз тақдири учун фидойилиги қувончли натижалар берди. Ғаллакорларимиз 25.500 тонна дон ишлаб чиқардилар. Пахтакорларимиз эса 27.200 тонна оқ олтинни давлат қабул пунктларига етказиб бердилар. Давлатга топширилган пахтанинг 82 фоизини юқори нав, 4151 тоннасини уруғлик пахта ташкил қилади. Пахтачиликдан олинган даромад бир миллиард сўмдан ошди. Режани вилоятда биринчи бўлиб уддалаган «Янгикудуқ» хўжалиги, ҳосилдорликни гектар бошига 32 — 36 центнерга етказган «Варозин», «Бухоро», «Тошработ», «Ўзбекистон», Қосим Қобилов номли жамоа хўжаликлари эришилган ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

Исмоил ХУСАИНОВ — Қизилтепа туман «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси:

— Режани ошириб бажариш мумкин. Лекин ҳамма гап моддий манфаатдорликда. Ҳаражат кам бўлса, таннарх арзонлашиб, даромад ортади. Шундагина моддий манфаатдорлик яхши бўлади. Хўжалик аъзоси ёлчийди. Қаловерса, ҳосилдорликнинг юқори бўлиши ҳам даромадни оширади.

Тўғриси, даромад кўрмаган хўжалик аслида хўжалик эмас. Ё рахбар ношуд, ё одамлар ишнинг кўзини билмайди. Бу жиҳатдан ишимиз жойида.

Хуллас, бу йил 1830 тоннадан зиёд оқ олтин топшириб, режани ортиги билан бажардик. Ҳосилдорлик 32 центнерни ташкил қилди. Даромад биргина пахтанинг ўзидан 100 миллион сўмдан ошиши аниқ бўлиб турибди.

Тўлқин КАМОЛОВ — «Варозин» жамоа хўжалиги бош ҳосилоти:

— Астойдил елиб-югуриб меҳнат қилсангиз, омад бир куни сизни қувиб келаркан. Очиғи, қувончимдан ўзимга сиғмаяпман. Хўжалигимизда пахта ҳосилдорлиги 36 центнерга етказилди. Туман пахтакорлари шартнома режасини бажарган куни вилоят ҳокими Ғайбулло Дилов катта тантанада қўлимга «Тико» автомашинасининг калитини тутқазди. Бу — чинакам омад. Меҳнатга берилган муносиб баҳо.

САНАЦИЯ: ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Навбаҳор туманининг «Навбаҳор» хўжалигидамиз.

— Бошқарув тизимидаги хатоликлар, деҳқон меҳнатининг қадрланмаслиги, хўжасизлик, иқтисодий ночорлик каби салбий ҳолатлар туфайли ушбу хўжалик қолоқлик боткоғига тушиб қолганди. Ўтган йили 60 миллион 469 минг сўм қарз билан хўжалик санацияга тортилиб, «Навбаҳор» қишлоқ хўжалик корхонаси деб юритиладиган бўлди, — дейди ташқи бошқарувчи Сайдулло Тўраев.

Илгари бошқарувда 40 дан зиёд киши ишлаган бўлса, эндиликда 20 нафар киши ишлаяпти. Хўжалик аъзолари сони ҳам 1600 нафардан 781 нафарга келтирилди. Ердан тўғри фойдаланишни йўлга қўйдик. Ҳалол меҳнат қилган кишилар моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди.

Одамлар қалбида ишонч уйғотдик. Қилинган саъй-ҳаракатлар бекор кетмади. Ўтган йили ялпи даромад 85 миллиондан ошган бўлса, бу йил ҳам шундан зиёд даромад олиниши кўзда тутилаяпти. Муҳими бу йилги 2146 тонна пахтамизнинг 700 тоннаси уруғлик пахта.

Санация берган имконият туфайли хўжалик аъзоларининг уйига дон кирди, қўли пул кўрди. Қувончли томони қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш борасида ҳам олдинга силжиш кўзга ташланди. Газлаштириш 40 фоизга ўсди, 3 километр жойга водопровод кувурлари тортилди.

ПОЛВОНТОШ ПАХЛАВОНЛАРИ

Навоий вилоятида асосан тўртта — Қизилтепа, Навбаҳор, Навоий, Хатирчи туманлари пахтачилик билан шуғулланади. Шундан энг оғир қарвон — хатирчиликлар пахтакорлар зиммасида. Уларнинг йиллик шартнома режаси 40 минг тоннадан ортиқ. Вилоятнинг 33 — 35 фоиз пахтаси хатирчиликлар улушига тўғри келади.

Зафаршоннинг адоқ сохилларидан то Полвонтош қирларигача бўлган ҳудудда туманнинг Абдуҳолиқ Ҳалимов номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари деҳқончилик қилашади. Хўжаликда шу заминнинг донини ейган пахтакорлар кўплаб топилади.

Жорий йилда полвонтошлик пахтакорлар чинакамига жасорат кўрсатишди. Эргаш Қурбонов бошлиқ бригадада гектар бошига 60 центнердан, Бахрон Ботировда 40 центнердан, Муҳаммади Ғайбуллаев бригадасида 38 центнердан ҳосил кўтарилди.

— Қандай қилиб юқори ҳосил олдингиз, — деган саволимизга олтмиш центнерчи Эргаш Қурбонов. Шундай ишладикки, ернинг ийғини чиқариб юбордик. — Ерга меҳр, бердик, Меҳнат қилдик. Биздан ер ҳосилини, саховатини аямайди.

Дарҳақиқат, Абдуҳолиқ Ҳалимов номли хўжалик пахтакорлари чинакамига меҳнат қилишди. Режадаги 2600 тоннадан зиёд пахтанинг 50 фоизини уруғлик учун топширишди. Ҳар бир тонна уруғлик пахтанинг ўзидан 70 минг сўмдан даромад кўришди. Шуларни эшитгач, беихтиёр балли, сизга, полвонтошлик пахлавонлар дегингиз келади!

М. ЗИЁДИНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР

(Боши 1-бетда)

ҳисобидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Раисни аллақаёққа кетган, дейишди. Қишлоқ фуқаролар йиғини биносида ҳам сокинлик. Мен билан борган йигит овозини йўғонлатиб буюрди.

— Раисни топинглар, Тошкентдан мухбир келган. — У яна: — «Қишлоқ ҳаёти»дан — дея қўшиб қўйди.

Хўжалик идорасида ҳеч ким бўлмагач, қишлоқни мустақил айланишга, одамлар билан суҳбатлашишга тушдик.

Энг аввало шуни таъкидлашим керак. Қишлоқнинг қарийб ярми маҳалласи табиий газ билан таъминланибди. Аммо шундоққина кўчанинг у томонидаги «ўгай маҳалла»ларда газ қувури йўқ. Шуниси қизиқки, газ етиб борган маҳаллалардаги 70 фоиз хонадонларда ҳам ҳануз ўчоқларда ўтин ёнмоқда. Хўш бунинг боиси нима?

Даминжон УМАРОВ, пенсионер:

— Уйга газ киритгани пул йўқ.

— Хўжалик ёрдам бермайдими?

— Эҳ болам, отам замонидан бери қаровсиз ётган кўчани асфальт қилолмайди-ю, қолганига йўл бўлсин.

Биз одамлар билан суҳбатлашиб, маҳаллалар айланар эканмиз, шу худудга хизмат қилувчи савдо дуконларининг аҳволи билан ҳам танишдик.

Тўғрисини айтганда, аҳолига чекланган нархда сотиладиган 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бор, аммо уларнинг нархлари кишини ажаблантирар эди.

Абдулатиф ХОЛМАТОВ, ишчи:

— Магазинга ун, ёғ келса, олган олиб қолади. Қолганлар оғзини очиб қолаверади. Уларнинг нархлари ҳам ажабтовур, 67 сўмлик ун 80 сўм, 345 сўмлик ёғ 360 сўм ва ҳоказо.

Маҳалла кезишни давом этамиз. Шу пайт кўча бошидаги «Неъматжон» хусусий дуконидан 2 кг шакар харид қилиб чиқиб келаётган Ҳолида исмли аёлдан сўраймиз:

— Шакарни неча пулдан олдингиз?

— 230 сўмдан 460 сўмга.

Сотувчи Акрамжон Неъматов харидорнинг 80 сўм ҳаққига чанг солаётган пайтда гувоҳлар ёрдамида қўлга тушди. Яна суриштирувимиздан шу нарса маълум бўлдики, 5 август куни шаҳар Матлубот жамиятидан келтирилган 1150 кг, баҳоси 190 сўмлик шакарнинг 1100 килограмми ана шу устама баҳо билан сотиб бўлинган эди.

Тушлик пайти Қайқи гузарида жойлашган яна бир ном-нишонсиз дуконга кирдик. У ерда ҳам юқорида таъкидланган 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг 4та тури ва қоларверса, магазиндаги бошқа умумий суммаси қарийб 125-130 минг сўмлик бўлган товарлар ҳеч қандай рухсатс

ЯХШИЛИК

СИЙРАТ

Инсонда яхшилик уч хил кўринишда намоён бўлади. Биринчиси, биродарлари ва қариндошлари, иккинчиси турмуш ўртоғи, учинчиси эса ўз халқига нисбатан меҳр- муҳаббатдир. Ўз биродарларига яхшилик аломати шунда кўринадики, бунда инсон дўстларидан ҳам олийҳимматроқ, саховатлироқ бўлишга ҳар соҳада, ҳар ишда ҳиммат кўрсатишга, садоқат ила мададкор бўлишга интилади. Аллома Абулқосим Замаҳшарий бу ҳақда ҳам: «То бошингга ўлим келмагунча ҳеч кимдан ёрдамингни аяма. Муҳтожларга қўли очиқлик билан эҳсон этгилким, бундан ғайрат камарила таҳсинга лойиқ нур сочувчи офтоб янглиқ, яхшилик, эзгуликлар ила лабадга қалбингдан мустаҳкам жой олсин», — дея ўгит беради. Шунингдек, гўзал олийжаноб фазилатларни ўзига касб этиш, разил одатлардан қочиш ҳам одоб-аҳлоқ тарбияси борасидаги ғайратга кирадиган амаллардан бири саналади.

Ҳадисларда: «Ризқи кенг ва фаровон бўлишни, ҳаёти узоққа боришини яхши кўрадиган киши қариндошларидан ўзини узмасин», — дея лутф қилинганлиги бежиз эмас. Масалан, ҳар бир кишининг ўз яқинлари — қариндошларига кўрсатган ҳиммати аввало қавмига, элига билдирган ҳиммати-дир. Ҳиммат қанчалик баланд юрса, ғайрат ғалабаси ҳам шунчалик улуғроқ бўлади.

Умр йўлдошига қилинадиган яхшилик — уни поклик ва иффатда сақламоқликка эришишдир. Оилада вафо, садоқат, мушоварат ҳукмрон бўлиши улуғ бир саодатдирки, унинг калити фақат тотувлик, тинчлик, иноқ-иттифоқлик, иффат назокати шарму ҳаёга асосланган бўлмоқлиги даркордир, дейилади яна ҳадисда. Бинобарин, ҳаёли, одобли бўлмоқ ҳар вақт ҳам хайрли ишларга сабаб бўлиб келиши шубҳасиздир. Яна шунингдек, оиладаги тинчлик, хотиржамлик аввало бор-йўққа сабр-қаноат қилишдир. Яхши аёл уйида ўн йилгача уни бўлмаса ҳам ун чиқармайди. Бу каби савоб иш барокатидан эл ҳам безанади, фиск-фасод, адоват, ғаразли ўйларга мутлақо ўрин қолмайди.Яна қўли очиқ, раҳмдил, олийҳимматлик, саҳийлик ҳам худди шундай гўзал хулқларнинг энг аълоси ҳисобланади. Гўзал хулқ эгаларининг эса ҳар қачон ҳам тинч-осойишта яхши турмуш кечириб келганлари исботга ҳожат қолдирмайди. Қўли очиқ, саҳий, мурувватли бўлиш учун эса бой-бадавлат бўлиш шарт эмас, оз нарса билан ҳам мурувват кўрсатиб саҳийлик қилиш мумкин. Жумладан, зарурат туғилганда қўлида бўлган қаттиқ нону сув билан ҳам тезда муҳтожнинг ҳожатини чиқармоқлик ғайратнинг ана шундай бир кўринишига кирадиган саҳий, олийҳимматлик одатларидандир.

Нақл қилишларича, машҳур подшоҳ Баҳром Гўр кунлардан бир куни айланиб, шикорга чиқади. У шикор вақтида бир қулоннинг ортидан қувиб, ўз махрамларидан узоқлашади ва адашиб қолади. Баҳром Гўр шу тариқа талай йўл юриб обдон дармони қурий бошлаганда бир қишлоққа етиб боради. Даштнинг танобини кўп тортган подшоҳ ғоят очиққан, емак-ичмакка муҳтож эди. У отидан тушиб бир дарахт соясига ўзини олади ва ўзининг кимлигини сездирмай: «Мен бу дам сизларга меҳмонман. Нимаики, тайёр овқатингиз бўлса, ўша бирла иноят қилинг, шул кифоядур», — дейди.

Қишлоқдаги бадавлат бир одам нотаниш сайёднинг оғир аҳволини кўриб турган бўлса ҳам, табиатан ўта назари пастлигидан «ўлиб кетмайдими, менга нима», дегандай унга эътибор бермайди. Бошқа бирови эса аксинча, қўйлар суйдириб, катта дошқозон осдириб, зўр зиёфатнинг тайёргарлигини кўра бошлайди. Очлик эса тобора қийнаб, ошқозон таталаб турганда мезбоннинг эртага пишадиган овқатидан не наф? Худди шу ердаги бошқа бир хонадоннинг камбағал бўлса ҳам аҳли дониш эгаси меҳмонни ўз уйига олиб кириб, олдига нон билан қатиқ қўяди. Тайёр овқатни егач, жони ҳузур топган ҳукмдор шоҳ мана шу ризқ билан меҳмон қилган хонадон соҳиби инсонга беҳисоб молдунё ҳадя этади, ҳалиги пасткаш бойга жуда қаттиқ танбеҳ беради. Исрофгарга эса олийҳимматликни кераксиз мол-дунё билан ўлчаб бўлмаслигини айтиб, бесамар қилган сарф-ҳаражатларини тўлар экан: «Кимгаки, ғайрат ила олийҳимматлик ёр ўлубдур, ул бешак бахтиёрликка эришибдур»,— дейди. Бояги беҳиммат кимса шу тариқа эл назаридан қолибди.

Шунингдек, имон-эътиқодли, ўз маслакларига садоқатли, теварак-атрофга, турли ҳайвон ва жониворларга ҳам меҳрибон, шафқатли бўлишнинг ҳосияти бағоят кўп турур.

Ривоят қилишларича, кунлардан бир куни подшоҳ Баҳром Гўр ўз тарбиячиси ва устози бўлган Нўъмон Манзар билан шикорга чиқади. Улар бир оҳу изига тушиб, уни узоқ вақт таъқиб этадилар ва натижада бошқа бир уман ҳудудига келиб қоладилар. Оҳу эса ниҳоят жон ҳолатида Қабиса исмли бир арабнинг ҳовлисига кириб қолади. Уй эгаси уни ушлаб, қўрага арқон билан боғлаб, олдига сув, ем-хашак қўяди.

Подшоҳ Баҳром Гўр арабнинг ҳовлисига етиб келгач, ўқни камонга қўйиб овоз беради: «Эй соҳиби хонадон, менинг овим сенинг уйингга кирди. Уни дарҳол чиқариб юбор!»

Қабиса табиийки, чавандознинг ким эканлигини билмасди. Шунинг учун унга қўйидаги жавобни беради: «Эй, зебо юзли отлиқ, уйимга паноҳ излаб кирган жониворни ўлдириш учун бировнинг қўлига топширишим инсофдан эмас. Таранг тортилган ўшал қўлингдаги ўқни менинг кўксимга санчиб ўлдирганингдагина оҳуга эгалик қилишинг мумкин. Бироқ мени ўлдирсанг, қабилам сени ҳам омон қўймас. Шунинг учун жонингга раҳм қил ва оҳудан воз кеч!

Агар хоҳласанг, ҳовли эшиги олдида боғлоқлик турган тулпоримни эгар-жабдуғи билан сенга бердим. Миниб йўлингга равона бўл!»

Баҳром Гўр уй эгасининг мардлиги, ғайратли, одамохунлиги ҳамда бисёр самимийлигидан мутаассир бўлиб, унинг отини ҳам олмай, ортиқ бир сўз демай қайтиб кетади.

Бу воқеадан бир неча кун ўтгач, подшоҳ Баҳром Гўр Қабисани ўз ҳузурига чорлаттиради ва уни ўз хизматига олади. Қабиса шу тариқа араблар орасида «Мужир-ул-гизлон» яъни, «Оҳуларга паноҳ берувчи ва уларни ҳимоя қилувчи» деган лақабни олади.

Хулоса қилиб айтганда, кишиларнинг то абад ўз оиласи, қариндошлари, дўсту биродарларига оқибат-садоқатда, меҳр-мурувватли, ҳимматда бўлиши, ҳайвонларга раҳм-шафқат кўрсатиши унинг яхшилигидан далолатдир.

Яхши одоб-аҳлоқ, самимийлик, энг муҳими «Инсон» деган улуғ номга ярашиғлиқ эзгу ва ҳайрли амаллар билан эл-юрт орасида ҳурмат қозонишдан савоблироқ иш дунёда йўқ. Шу боис ғайрат камарини белга маҳкам боғлаган ҳолда ўзимиздан фақат яхши ном қолдиришга интилайлик!

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН

Самарқанд туманидаги Каптархона қўрғонида яна бир кичик корхона ишга тушди. Янгидан ташкил этилган ушбу меҳнат шоҳобчасида асосан зардўзлик маҳсулотлари тайёрланади.

Суратда: устоз — Маърифат Мўминова шогирдларига бичиш-тикиш сирларини ўргатмоқда.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.

НАРГИС

ТАБИАТ ШИФОХОНАСИ

Ўсимлик шифобахш томонлари билан ҳам қадимдан маълум. Абу Али ибн Сино наргиснинг илдизини асал ва қатрон билан яхшилаб аралаштириб, баданга кирган зирапча, тикан ва ўқлар устига суртиб, уларни суғуриб олишда ишлатган. Илдизи билан узум сиркасини аралаштириб юзга суртилса, теридаги доғ ва сепкиллардан халос бўлиш мумкинлиги ҳақида маълумот берган. Халқ медицинасида наргиснинг илдизидан тайёрланган дори-дармонлар кенг қўлланилади. Наргис ўсимлигининг пиёзбошиси спиртга солиб, настой қилинса, қабзиятга даво бўлади. У ўт йўлини тозаловчи омил сифатида ҳам қўлланилади.

Ҳозирги замон медицинасида наргиснинг пиёзбошисидан линкорин алкалоиди олинмоқда. Унинг гуллари парфюмерия саноатида кенг қўлланилади.

(«Шифобахш неъматлар» китобидан).

ҲАЙРАТ ЎЛКАСИНИНГ ҚИЗИ

УЛҒАЙИШ

Инсон гўзал куй, дилрабо қўшиқ тинглаганда, бир зумгина ғаму ғуссаларини, фурқату фироқларини унутиб қўйиши, эҳтимол одамзот ибтидосидан меросдир. Аслида инсонни эртанги кунга рағбатлантирувчи маъво ҳам яна ўша дилбар куй, дилрабо қўшиқ эмасми?

Во ажаб... Ана қўшиқ янграяпти. Бу овоз соҳиби ким бўлди экан? Бу қайси бахтли инсонки, унинг овози баҳор нафосатларидан муждалар келтираяпти? Ҳа, дарвоқе бу овоз соҳибаси Муяссар Раззоқова...

Ҳа, майин-майин эсган саболаридан узоқ-узоқ ўтмишнинг муаттар бўйлари анқиб турган Қорақалпоғистон диёрида кўз очган бу чашма бугун ўзбек опера санъатининг кўз илғамас қирраларини кашф этаяпти. Тўғри, Муяссарнинг санъати ҳақида кўп гапирилган, ёзилган. Лекин биз яқинда ушбу санъаткор билан суҳбатлашганимизда унинг ростдан ҳам бетакрор жуда-жуда ноёб овоз соҳиби эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Тўғриси, Муяссархон билан суҳбатлашмоқчи бўлиб юрган кунларим турли андишалар қуршовида юрдим. Эл оғзига тушган санъаткорнинг ҳашаматли уйлари, машиналари кўз олдимга келаверди. «Манзил»га етганимда эса ҳайрон бўлиб қолдим. Муяссар ҳам оддийгина, мени ўйлантираётган, салобати босаётган барча кибру ҳаволардан холи яшар экан. Одатда халқимизда қизиқ бир одат бор. Озгина чегарадан чиқиб кетсангиз, «отанг,онанг қилмаган ишга қўл уриб...» деб танбеҳ беришади. Жуда қизиқ, шунақаси ҳам бўлар экан. Бундан чиқди, инсон бисотидаги имкониятларни баъзан эски ақидалар ҳам муайян мезонга солиб турар экан-да. Бизнинг ҳикоямиз қаҳрамони эса мана шу хилдаги тўсиқларни йўлдан супуриб ташлай олган «голиб аскар» десам, хато бўлмас. Аслида киши руҳиятидаги нимагадир ташналик ҳисси ўша нафас олаётган муҳитнинг таъсирига билвосита боғлиқ. Муяссархон туғилган юрт — ҳайратлар ўлкаси. Агар у бунчалик таъриф тавсифга нолойиқ бўлса, шунчалик ҳайратли овоз соҳибасини яратармиди?!

Муяссархон айтишига қараганда, санъатга бўлган иштиёқи болалик чоғлариданоқ пайдо бўлган экан. Ўша иштиёқ қўкка бўй чўзиб ва улғайиб ўзи яшаётган юракни бутунлай забт этиб, соҳибасини Тошкент Давлат консерваториясига етаклаб келган. Уни муваффақиятли тугатгач, Муяссар кундан-кун бугунги етиб келган чўққиси томон шошила бошлади. У йўл-йўлакай чор-атрофни дилбар қушиқлар билан тўлгизиб ташлади. Бир неча маротаба жаҳон опера ижрочиларининг халқаро кўрик-танловида иштирок этиб, муваффақият қозонди.

Муяссархон билан суҳбатлаша туриб, унинг келажакдаги ижодий ишлари, орзулари ҳақида тўлиб-тошиб айтганларини тинглар эканман, бугунги ўзбек опера-сини жаҳонга олиб чиқаётган санъаткорлардан бири бўлган бу қушиқчининг ҳали кўп нарсага қодирлигини дилдан ҳис этдим.

Улуғбек ЖУМАЕВ

ОДОБЛИ ФАРЗАНД—ОИЛА БАХТИ

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

● Фарзандларингизни ардоқлаш билан бирга одобини яхшиланглар.

● Одамнинг ортиқчаси бўлмайди. Фақат одамзод хулқатворида ортиқчалик мужассам.

● Яхшига ҳам, ёмонга ҳам яхшилик қил деган гапнинг маъносида ҳам яшаш учун курашга чексиз даъват бор.

● Йиғлаган одамнинг виждони бор. Кулган одамнинг кўнгли кенг. Йиғлай олмаган, кула билмаган одамда ҳеч нарса йўқ.

● Аслида ҳаммадан зўр бўлишга интилиш ҳам фожеадир.

● Ишкалдан қизармайдиган одамнинг юзи бўлмайди.

● Билиб туриб сизга ёмонлик қилган кишини инсофга чақириб овора бўлманг.

● Қиркка кириб ҳам кўзи очилмаган киши қиркдан ошганда қаттиқроқ қоқилади.

● Инсоннинг ҳаёти ҳам чумолининг ўрмалаб юришига ўхшайди.

УМР...

КЎНГИЛГА САЙР

Ҳаёт тўй ҳам эмас, мотам ҳам эмас.
У бир тилсим эрур, англамоқ душвор!
Умр бўйи қилган амалларинг ҳам,
Қай бири савобу, қай бири озор.
Умр шодликларга тўла боғ эмас,
Унда ҳам гуллаш бор, бор ҳазон фасли.
Умр минг хил турфа қушлар бозори,
Ҳаммаси чуғурлар
турлича сасли.

Ҳаёт — бор мавжудот
тириклигига,
Кафил бўла олган
сирли макондир.
Тангри раҳматила яралган олам,
Асти инсонларга туҳфа, аркондир.
Эй Аҳмад, умр ҳам ўтгувчи билсанг.
Ўтлару, чўғларга урма ўзингни.
Ташвишли дунёда, шу кун тириксан.
Эзгуликка бахш эт, кўнгил сўзингни!

Аҳмад ТОШТОЕВ
Паркент

«ЎЗАГРОСУҒУРТА» КОМПАНИЯСИ

қишлоқ хўжалиги корхоналари ва қишлоқ фуқаролари хизматида

У қуйидаги йўналишлар бўйича хизмат кўрсатади:



- *Қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари экинлари ҳосили, чорва моллари, боғлар ва узумзорлар, табиий пичанзорлар ва уларнинг асосий воситаларини суғурталаш;*
- *Аҳолига қарашли иморатлар, уй-жой, чорва моллари, транспорт воситалари, томорқадаги қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дарахтларни суғурталаш;*
- *Юкларни суғурталаш; корхона ва ташкилотларнинг мол-мулкларини суғурталаш;*
- *Аҳоли ҳаёти, болалар ва мактаб ўқувчиларини суғурталаш;*
- *Ишчи ва хизматчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;*
- *Оила аъзоларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва бошқа суғурта турлари.*

Маълумотлар учун «Ўзагросуғурта»нинг барча туманлардаги бўлимларига ёки 133-29-51, 133-34-78 телефонлари орқали мурожаат этиш мумкин.

«САМАРҚАНД» ДИМЛАМАСИ

300 г қўй гўшти, 50 г бош пиёз, 60 г сабзи, 100 г помидор, 200 г картошка, 60 г буғдой қалампири, 20 сарғиёқ, 10 дона саримсоқ, 20 г сув, 1 боғ укроп.

Гўшт суяклари билан бўлаклар-

Пазанда маслаҳати

га бўлинади, сўнг тўқмоқда урилади ва туз сепилади, сўнгра сопол кўзага солинади. Устига картошка, сабзи, помидор, саримсоқ бўлаклари, парраҳ-парраҳ қилиб кесилган пиёз, буғдой қалампири, укроп солиниб, сув ва сариёғ қўйилади. Масаллиқ тўла кўзачани газ плитасининг шкафига қўйган ҳолда пиширилади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани — собиқ Октябрь районидаги 21-ишчи-яшлар мактаби томонидан 1960 йили Обидова Флора Арифовна номига берилган N 463135 рақамли урта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан рўйхатдан утказилиб, «Хусусий тадбиркор Исматов Баҳодир» номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

2000 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Азиз газетхон!

Сиз, «Қишлоқ ҳаёти»га обуна бўлдингизми?

Йил-ўн икки ой хонадонимга маънавият кириб борсин, нур кириб борсин десангиз, «Қишлоқ ҳаёти»га ёзилинг! Газетамиз билан ошно бўлсангиз иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётдаги кунда-лик энг муҳим янгиликлардан вақтида хабар топасиз. Дунё воқеаларидан воқиф бўласиз. Ғаройиб ҳодисалар ҳусусида қизиқарли мақолалар ўқийсиз.

«Қишлоқ ҳаёти» — Сизнинг энг яқин ҳамроҳингиз, суҳбатдошингиз!

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг нашр индекси — 144.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Олим АТАЕВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ (ижодий гуруҳ раҳбари), Эркул ЗИКРИЁЕВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Собир МУРОДОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосарлари), Маъмуржон ҚИЁМОВ (масъул котиб).

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Телефонлар: Бош муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 136-56-26, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 133-09-93, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ, молиявий хизмат — 136-56-30, макроиқтисодиёт — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-42, хатлар ва вилоят мухбирлари билан ишлаш — 136-56-30, реклама ва эълонлар — 136-54-44.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г— 0901, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 20.30. 1 2 3 3 4 6.